



ҲУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 3-СЕНТАБР, №35 (1232)

E TIROF

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ ТАНТАНАСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА



Муаззам истиқлол айёмининг жорий йилда «Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!» деган шиор остида нишонлангани замирида ўзига хос маъно-моҳият мужассам. Зотан, инсон озод ва хур ватансиз ҳақиқий қудрат манбаидан мосуводир, саодатдан бенасибдир. Бинобарин, мустақилликнинг Ўзбекистон ва унинг халқи учун қадр қиммати, аҳамияти ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса, аждодлари ўзининг ақлу заковати, бунёдкорлиги ва бетакрор салоҳияти билан дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган, бироқ маълум муддат эрксизлик исканжасида кун кўрган ўзбек халқи учун хурриятнинг қадри бебаҳодир. Қолаверса, минглаб миллат ва элат истиқомат қиладиган дунёда ўз байроғи ва бошқа рамзларига эга суверен давлатлар сони 200 та атрофидадир. Ана шу давлатлар қаторида буюк ўтмиш ва ёруғ келажақ соҳиби бўлган Ўзбекистоннинг ҳам борлиги барчамиз учун ҳақиқий саодатдир.

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Албатта, бундай бахтга эришиш осон бўлмаганини яхши ҳис этамиз. Асрлар давомида озодлик учун кечган курашларда элимиз кўплаб энг сара фарзандларидан жудо бўлди. Ниҳоят, халқимизнинг матонати ва каъбияти самараси ўларок кўлга киритилган мустақиллик 1991 йилнинг 31 августига Биринчи Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан эълон қилинди.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъбири билан айтганда, бугун бир ҳақиқатни кат-

та ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустақам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Дарҳақиқат, мустақилликни кўлга киритиш қанчалик машаққатли ва оғир бўлса, уни асраш ва мустақамлаш ҳам шунчалик мураккаб, узлуксиз кечадиган, матонат талаб этадиган ва албатта шарафли бир жараёндир.

Халқимизнинг бу йўлдан собиткадамлик билан бораётгани, юртимиз истиқболнинг янги уфқларини забт этаётгани эса барчамиз учун фахру ифтихордир.

Айниқса, давлатимиз раҳбари то-

монидан асос солинган ва Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи сифатида дунё миқёсида тан олинаётган ҳозирги давр мустақилликни мустақамлаш сари қўйилган энг улкан қадамлар давридир. Зотан, бу давр Ўзбекистонни бутунлай ўзгартирди, мамлакатимизни янги, демократик кифада жаҳонга танитди.

Энг муҳими, ушбу даврда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш давлат сиёсатининг бош мезони этиб белгиланди.

Натижада тараққиёт йўлининг тўғри танлангани ва халқимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига ҳагто бугунги оғир ва синовли дамларда ҳам жамиятда барқарорлик, тинчлик, осойишталик ва ижтимоий-иқтисодий ўсиш таъминланди.

Президентимизнинг коронавирус инфекцияси таъсирини юмшатишга қаратилган ўнлаб фармон ва қарорлари асосида пандемияга ва иқтисодий инқирозга қарши курашиш учун қарийб 50 трлн. сўм маблағнинг турли соҳаларга йўналтирилгани ва бунинг натижасида Ўзбекистон пандемиянинг асоратларини жиддий талофатларсиз ўтказётганининг ўзиёқ фикримиз далилидир.

Яна бир жиҳат шундаки, пандемия шароитида бирон-бир муҳтож оила ёки фуқаро давлат эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган маблағлар ҳажми, уларнинг аъзоларини ишга жойлаштириш, тадбиркорликка жалб этиш каби кенг кўламли ишлардан жамоатчилик мунтазам хабардор қилиб борилмоқда.

Ана шу жиҳатларнинг ўзи ҳам қийинчиликларга қарамадан Ўзбекистон давлати ва халқи ҳамжихатликда эзгу мақсадлар сари собит бораётганини кўрсатиб турибди.

Албатта, давлат ва жамият ҳаётида эришилаётган ютуқлар, долзарб масалалар, муаммолар ҳақида деярли ҳар дақиқада оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамо-

атчилик мунтазам хабар топиб бормоқда ва шу боис уларни эслатишга ҳожаат йўқ.

Дарвоқе, бу жиҳат ҳам янги давр самарасидир. Зеро, очкилик ва ошқоралик, муаммоларни баралла айтиш, фуқароларнинг баъзида оғир, бироқ ҳақли савол ҳамда эътирозларига юзма-юз жавоб бериш тараққиётимизнинг янги босқичида ҳаёт тарзими ва фаолиятимиз мезонига айланиб улгурди. Энг муҳими, бугун давлат ва жамиятнинг ислоҳотлар билан қамраб олинмаган бирон-бир жаҳаси қолмади.

Айниқса, давлат тузилмаларини халққа хизмат қилишдек муқаддас бурч ва шарафли вазифани рўёбга чиқаришга сафарбар этиш борасида қўрилган чоралар уларнинг фаолиятини ҳам, мақсадини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Табиики, бу жараёнлардан прокуратура органлари ҳам четда қолмади. Тизимимиз фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустақамлаш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш ва бошқа йўналишларда, бир сўз билан айтганда, прокуратура томонидан маънодаги халқ прокуратурасига айлантириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлади.

Узоқ йиллар давомида одамларда жазоловчи орган сифатида тасаввур уйғотиб келган прокуратура тизими ҳар жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Яъни, у инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг, давлат ва жамият манфаатларининг ҳақиқий химоячиси, қонун устуворлиги ва адолат тантанаси йўлида фаолият юритувчи тизим сифатида майдонга чиқмоқда.

Буни нималарда кўриш мумкин?

Давлатимиз раҳбари томонидан прокуратура органларини тубдан ислоҳ қилиш бўйича олдимизга қўйилган янги вазифалар, жумладан 2019 йилнинг 20 июнида Олий Мажлис Сенатининг яъни мажлисида белгилаб берилган йўналишлар доирасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Давоми 2-бетда



2020 йил 2 сентябрь
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
42 437 нафар



Соғайганлар
39 862 нафар



Вафот этганлар
325 нафар

Биринчидан, энг аввало, тизимдаги анча оғир вазиятни ўнгиллашга, жамоада ишчан ва соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар концепцияси ишлаб чиқилди. Унинг асосида биринчи гада ходимларнинг 45 фоизини ёш мутахассислар ташкил этиши, бироқ уларга иш ўргатадиган мураббийлар деярли қолмагани ҳисобга олиниб, сўнгги йилларда бой берилган устоз-шогирд анъаналарини тиклаш чоралари кўрилди.

75 нафар тажриба ва малакага эга ходим хизматга қайтарилди. Ҳар бир тармок раҳбарлигига шу йўналишнинг ҳақиқий мутахассислари тайинланди.

Умуман, кадрларни танлаш ва тайинлаш жараёнидаги ўта марказлашганлик

Ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракат содир этган 5 мингдан ортик, дарсларда сабабсиз қатнашмаётган 3 мингдан зиёд бола аниқланди, мажбуриятларини бажармаётган 8 мингта яқин ота-онанинг жавобгарлиги ҳал этилди.

Иқтисодий соҳада қонуничилик ижроси устидан назорат фаолиятимизда тadbиркорликни ривожлантириш, экспортни кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби ҳаётий муҳим масалаларга устувор аҳамият берилмоқда.

2019 йилнинг иккинчи ярми ва жорий йилнинг ўтган давридаги назорат тadbирларида 7,7 минг нафар тadbиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 29 минг нафарига муаммоларини бартараф этишда кўмаклашилди.

Прокурорлар кўмағида 25 мингта янги

қонуний ўтказилишини таъминлашга қаратилган фармонларнинг имзолангани мамнуният билан қайд этишни ўринли деб биламиз.

Тўртинчидан, жойлардаги прокурорлар нафақат қонун ҳимоячиси, балки сектор раҳбари сифатида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили ҳамда жорий йилнинг биринчи ярмида уйма-уй юриш асосида 1,5 млн.дан зиёд хонадондаги муаммолар ҳал этилди. Қарийб 58 минг фуқаро иш билан таъминланди.

Бош прокуратурага бириктирилган Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон ва Бекобод туманларидаги қатор ижтимоий муаммолар ҳам ўз ечимини топди. Биргина Оҳангарон туманида 9 та янги боғча, 3 та мактаб ва 3 та тиббиёт муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ларнинг қарийб 60 фоизда жиноят содир этилмади.

Олтинчидан, прокурорларнинг судлардаги иштироки қонун устуворлигини таъминлаш, инсон, давлат ва жамият манфаатларига ҳамоҳанг равишда самардорлик жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилмоқда. Хусусан, бир йил ичда судларда қарийб 102 мингта иш кўрилишида прокурор иштироки таъминланди.

Бекор қилинган суд қарорларининг 4185 таси ёки ҳар учинчиси айнан прокурор протести асосида қонунга мувофиқлаштирилди. Прокурорлар ташаббуси билан 71 нафар шахсга оқлов ҳукми чиқарилди. Суд амалиётидаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Олий суд пленумининг 133 та қарорига берилган тақлифларимиз инобатга олинди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ ТАНТАНАСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ҳамда субъектив омилларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўрилди. Ҳар бир ходимни иқтидори, салоҳияти ва масъулиятига мос равишда лавозимга тайинлаш механизми тўлиқ йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, тизимни нопок ва номуносиб ходимлардан тозалашга алоҳида эътибор қаратилди ва бу жараён давом этмоқда. Бир йил давомида коррупцияга мойил 213 нафар, жумладан 50 дан ортик раҳбар ходим тизимдан бўшатилади. Жиноятта қўл урган 31 нафар ходим жиний жавобгарликка тортилди.

Иккинчидан, замонавий ахборот технологияларини жорий қилган ҳолда бутун тизим тўлиқ электрон иш юритишга ўтказилиб, ортикча қоғозбозликка деярли барҳам берилди. Натижада тизимда ҳар ойда фақатгина қоғоздан қарийб 300 млн. сўм тежаб қолинмоқда.

Учинчидан, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг мулақо янги тизими йўлга қўйилди. 50 га яқин назорат органи фаолияти устидан тизимли ва таъсирчан назорат ўрнатиш орқали қонунийликни мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Назорат органларидан олинган ахборотлар асосида энг муаммоли соҳалар аниқланаёти ва қонунбузилиши ҳолатлари ҳамда тизимли камчиликларнинг асл сабабларини бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шу тартибда олий таълим ва соғлиқни сақлаш, қурилиш, кишлоқ хўжалиги каби қатор соҳаларда қонунийликнинг ахволи чуқур таҳлил қилинди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ижтимоий соҳада прокурор назоратини таъминлаш баробарида фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бир йил давомида тегишли идоралар билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож 100 мингта янги фуқаронинг муаммолари ҳал этилди. 3,8 минг фуқаронинг 8,1 млрд. сўмдан ортик иш хақи, пенсия ва нафақа пуллари ундириб берилди.

Ижтимоий тўловларни амалга оширишдаги суниестемчиликларни бартараф этиш ҳам диққат марказимиздadir. Жумладан, назорат тadbирлари давомида 136 та ҳолатда 16 млрд. сўмдан ортик иш хақи, нафақа ва уларга тенглаштирилган тўловлар учун ажратилган бюджет маблағлари талон-торож қилингани аниқланди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 136 та жиноят иши қўзғатилди, 5 млрд. сўмликдан ортик етказилган зарарлар ихтиёрий қопланди, судларга қиймати 19 млрд. сўмликдан зиёд 4 мингта яқин дaъво аризаси киритилди ва қарийб 14 млрд. сўм ундирилди.

Ёшлар ва воёга етмаганлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш устувор вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда. Биргина мисол: етим ва ота-она қаровисиз қолган 3 мингдан зиёд воёга етмаганлар учун жавобгар шахс йўқлиги аниқланиб, уларга васий ва ҳомийлар тайинланди.

tadbиркорлик субъекти ташкил этилди, фаолияти тўхтаб қолган 28 мингта яқин қорхона тикланди. Прокурорлар ташаббуси билан 905 та субъект экспорт фаолиятига жалб этилди. 2113 та экспортчи қорхонанинг лицензия, кредит, ер ва бино олиш ҳамда бошқа масалаларга доир муаммолари ҳал этилиб, 518 тасининг 92,2 млн. долларлик қарзини ундиришга эришилди.

Тadbиркорларнинг ҳуқуқларига риоя этмаган 925 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 514 та жиноят иши қўзғатилди. Инвестиция дастурига киритилган 1400 га яқин қурилиш лойиҳаси қайта экспертизадан ўтказилиб, 1,5 трлн. сўм бюджет маблағи иқтисод қилиниши таъминланди.

Ёрдамга муҳтож 100 мингга яқин фуқаронинг муаммоси ҳал этилган.

Қурилишга ажратилган бюджет маблағларидан тўғри фойдаланилиши бўйича ўтказилган назорат тadbирларида 78 млрд. сўм талон-торож қилингани аниқланиб, 320 дан ортик айбдор шахс жазога тортилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятимиздаги устувор йўналишлардан биринди. Назорат тadbирларида 22 млрд. сўмлик дон, 63 млрд. сўмлик пахта, 3 млрд. сўмлик минерал ўғит, ирригация тadbирлари учун ажратилган 1,7 млрд. сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилингани аниқланди, қонуний чоралар кўрилди.

Таҳлиллар айнакка ердан фойдаланиш соҳасида турли суниестемчиликлар авж олганини кўрсатди. Ўтган бир йилда ер сотиш, талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 344 нафар шахс жиний жавобгарликка тортилди.

Қонунбузарликлар учун қўлаш муҳим, албатта. Шу билан бирга, уларнинг туб сабаб ва шaroитларини бартараф этиш устувор вазифамиз бўлиб қолади. Хусусан, тизимли камчиликларни бартараф этиш ҳақида Президент администрацияси ва ҳукуматга 70 га яқин тақлиф киритилиб, уларнинг аксарияти қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди.

2019 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида Бош прокуратура ташаббуси билан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида 41 та қонун ҳужжати, жумладан 11 та қонун, Президентнинг 5 та фармони ва 6 та қарори, ҳукуматнинг 13 та қарор ва фармоиши, шунингдек 6 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Мисол сифатида яқинда муҳтарам Президентимиз томонидан ташаббусларимиз қўлаб-қувватланиб, коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тергов жараёнида шахс ҳуқуқларига қатъий риоя этилишини, терговнинг мустақил, ҳолис, адолатли ва

Уйга муҳтожларга қарийб 1 млрд. сўм бошланғич бадаланинг тўланиши таъминланди. Йиллар давомида эътиборсиз қолган Эйвалек маҳалласида абгор аҳволдаги 18 та қўп қаватли уй тўлиқ таъмирланди, истироҳат боғи, стадион ва болалар ўйингоҳи, замонавий савдо мажмуаси барпо этилди.

Мўйноқ туманида бевосита прокуратуранинг сaъй-ҳаракатлари билан замонавий ўқув маркази, кутубхона, ҳаммом, автостанция, иссиқхона, қишлоқ врачлик пункти, қарийб 100 ўринга ва энг замонавий шaroитларга эга мактабгача таълим муассасаси қурилиб ишга туширилди, 10 дан зиёд ёлғиз ашoвчиларга алоҳида уйлар қурилиб топширилди. Спорт майдончалари,

кабристон ва Жонтемир Эшон макбараси тўлиқ таъмирланди.

Туманда барпо этилган гилам қорхонасини қуришга янгича қарашлар асосида ёндашилди. Яъни, ушбу қорхона мўйноқлик йўлаб ёшлар учун нафақат иш жойи, балки барча қулайликларга эга бўлган яшаш манзили ҳамдир.

Шунингдек, 22 та сув тозаловчи ускуна ўрнатилиб, туман аҳолисига тоза сув етказилди. Жами 25 км.лик қаровисиз каналлар тикланиб, 800 гектарлик қўлга сув тортиб келинди ва балиқ етиштириш йўлга қўйилди.

Пандемия шарoитида эҳтиёжманд оилалар билан ишлаш прокурор секторлари фаолиятининг ҳам устувор йўналиши сифатида белгиланди. Бугунги кунда прокурор секторларидаги 143 мингдан ортик эҳтиёжманд оиллага ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, хусусан, уларни моддий таъминлаш, аъзоларини ишга жойлашти-

Еттинчидан, мурожаатлар билан ишлаш ҳам янгича ёндашув асосида йўлга қўйилди. Мурожаатлар дастлаб жойлардаги прокуратураларда узил-кесил ҳал этилмоқда. Улар юқори прокуратураларда ҳал этилса, қуйида ечим топмаганининг сабаблари ўрганилиб, керакли чоралар кўриляпти.

Бир йил давомида келиб тушган 457 мингдан ортик мурожаатнинг 265 мингта яқини бевосита прокуратура органларида ҳал этилгани, бевосита қабулда бўлган қарийб 252 минг кишининг мурожаатидagi масалалар ўз ечимини топгани ана шу чоралар самарасидир.

Саккизинчидан, Бош прокуратура ҳузурдаги департамент томонидан яшрин иқтисодиётга чек қўйиш, бюджет маблағлари талон-торож қилинишининг олдини олиш чоралари кўрилди. Ҳамкор тузилмалар билан олиб берилган ишлар натижасида 2019 йилнинг 2-ярми ва жорий йилнинг ўтган даврида 2400 дан зиёд маъмурий ҳуқуқбузарлик ва 3400 га яқин жиноят фoш этилди. Хусусан, солиқдан бўйин товлаш билан боғлиқ 357 та жиноят аниқланиб, жами 1 трлн. 662 млрд. сўм қўшимча солиқ ҳисобла нди ва 623,7 млрд. сўми бюджетга ундирилди.

Маъбурий ижро бюроси органлари сaъй-ҳаракати билан фойдаланилган энергия ресурслари учун 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 9 трлн. сўм ёки 32 фoз кўп маблағ ундирилиб, бу кўрсаткич 37 трлн. сўмини ташкил қилди. Табиий газдан фойдаланишдаги 41 млрд. сўмлик талон-торожликлар аниқланиб, 33 млрд. сўми, қарийб 2 млн. та ижро ҳужжати бўйича давлатга 7,3 трлн. сўм ундирилди.

Албатта, қилинган ишлар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Бироқ тизимимизни ҳақиқий халқ прокуратурасига айлантириш йўлида ҳали олдимизда ҳал этилиши

Прокурорлар ташаббуси билан 71 нафар шахсга оқлов ҳукми чиқарилди.

риш ва тadbиркорликка жалб этиш бўйича ходимларимиз маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда туну кун меҳнат қилмоқда. Натижада қисқа муддатда мазкур оилаларнинг қарийб 47 мингтаси ёки 32 фoздан ортики маҳаллий кенгашлар қарори асосида эҳтиёжмандлар рўйхатидан чиқарилди.

Бешинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш борасида прокурор назорати кескин кучайтирилди. Ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорликда тезкор-қидирув ишларининг кучайтирилиши натижасида қидирувдаги 2459 нафар шахс ушланди.

Маҳалла ва оилаларда оsoйишталикни таъминлаш, низоларни бартараф этиш бўйича ҳамкор тузилмалар билан амалга оширилган ишлар самараси ўларoқ, жорий йилнинг 7 ойида мамлакатдаги маҳалла-

лозим бўлган долзарб масалалар, фаолиятимизда эса камчиликлар кўп. Асосийси, давлатимиз раҳбарининг тизимимизга билдираётган юксак ишонч, фидойи ходимларимизга кўрсатаётган гамхўрлиги биз учун аввало юксак масъулият эканлигини чуқур ҳис этамиз. Ана шундай ишончга, мустақил давлатга, оlijанго халқимизга муносиб бўлиш, унинг розилиги йўлида ишлаш эса прокуратуранинг ҳар бир ходими учун муқаддас бурч ва юксак шарафдир.

Фақат ҳалол ва фидокорона меҳнат, ўз манфаатларини эл-юрт манфаати билан уйғун ҳис этиш, тақдирини ватан тақдирини билан боғлиқ қўриш ана шу бурчини адо этишга хизмат қилади. Ишонч билан айтиш мумкинки, кейинги пайтларда қўрилган чоралар тўғрйли шаклланиб бораётган салоҳиятли жамоамиз бунга қодирдир.



ТАРТИБГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси ташаббуси билан Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ташқи ишлар вазирлиги, ИИВ транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ва соҳага алоқадор бир қатор идоралар ҳамкорлигида 2020 йилнинг 28 август кунини Тошкент марказий вокзалида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди.

Маълумки, Республика махсус комиссиясининг қарорига мувофиқ Ўзбекистоннинг чет элдан фуқороларини юртимизга олиб келиш белгиланган. Айни вақтда ҳаво ва темирйўл транспорти орқали хоризда қолиб кетган фуқоролар навбати билан чартер рейслар орқали ватанга қайтарилаётган.

Ҳар бир поездга Миллий гвардия, ИИВ ва ССВ ходимлари ҳамроҳлик қилмоқда. Тадбир давомида чартер рейсларни ташкил қилишда қонунчиликка қатъий риоя қилиш, йўловчиларни санитария қондаларига амал қилган ҳолда ташини лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, чартер рейсларга йўловчиларни қабул қилишда уларнинг ҳароратини ўлчаб вагонларга чиқариш, чипталарининг ҳаққонийлигини текшириш кераклиги уқтирилди.

Таъкидлаш лозимки, айрим нопок кимсалар бундай вазиятдан фойдаланиб қолишга интилишини ҳам инкор этиб бўлмайди, яъни бу билан юртимизга турли контрабанда маҳсулотларини олиб ўтиш хавфи ошади. Шунини инобатга олган ҳолда чартер рейслар ходимлари ҳушёрликни янада оширишлари лозим бўлади.

Тадбир якунида Республика махсус комиссиясининг топшириғига асосан ташкил этилган Тошкент – Кинель – Тошкент чартер рейси Россиядаги юрдошларимизни ватанга қайтариш учун йўлга чиқди.

Джахангир САЛИХАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси

ҚОНУНБУЗАР ДОРИФУРУШЛАР

Ҳозир коронавирусга қарши курашиш мақсадида беморларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш долзарб масалага айланган. Бу борада ҳукуматимиз томонидан қонуний чоралар кўрилатган бир пайтда ана шу вазиятдан фойдаланиб қолишга уринаётган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Бош прокуратура ҳузурдаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ана бундай ноқонуний ҳаракатларни фош этмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг 1 июлидан бугунги кунга қадар 14 та тадбир ўтказилди. Назорат тадбирлари давомида 35 млн. 900 минг сўмлик 200 турдан ортиқ дори ва тиббий буюмлар олиб кўйилди.

Яқинда «Фленокс НЕО» ва «Лекартин» дориларининг йирик миқдордаги ноқонуний савдосига чек қўйилди. Яъни Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи, Урганч шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Б. ўз хонадонидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз 27 ўрам «Фленокс НЕО» ва 240 дона «Лекартин» дорисини сотаётгани маълум бўлди.

Шунингдек, департаментнинг Богот ва Тупроққалъа тумани бўлимлари ўтказган тадбирларда ҳам айрим фуқаролар ўз хонадонидан дориларни ноқонуний сотаётгани аниқланди. Масалан, боготлик фуқаро ўз уйида 38 турдаги дориларни сотиб келган. Ҳазораспик фуқаро ўз уйида 86 турдаги дориларни ноқонуний равишда сотаётгани аниқланиб, барча дорилар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Ҳозир маъзур ҳолатлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказилмоқда.

Ғайратжон СУЛТОНОВ,

департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи

ИХТИСОСЛАШГАН ПРОКУРАТУРА ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Маълумотларга кўра ҳар йили Ўзбекистонликлар чет элларда дам олиш учун 1 млрд. 200 млн. доллар атрофида пул сарфлар экан. Бунинг асосий сабабларидан бири юртимизда барча талабларга жавоб берадиган замонавий туристик мажмуалар камлиги билан изоҳланади. Шу боис сўнгги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Бўстонлик туманида ҳам туризмни ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 14 август кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев туризм салоҳиятини кенгайтиришга доир лойиҳалар тақдими билан танишган ҳамда Бўстонлик туманида яқин йилларда фойдаланишга топширилаётган лойиҳаларни тақомиллаштириш бўйича ўз тақлифларини берган эди.

– Асосий мақсадимиз энг аввало туризм соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, одамларнинг манфаатини инобатга олиб, халқимиз учун баҳаво, арзон, хавфсиз ва 12 ой давомида қулай дам олиш шароитларини яратишдир, – деган эди Президентимиз. – Бўстонлик каби масканларга Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан юрдошларимиз келиб хордик чиқариши, бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар бошқа ҳудудларимиз учун ҳам намуна бўлиши керак.

27 август кунини эса давлат раҳбарининг «Бўстонлик туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони имзоланди. Унга кўра Бўстонлик туманида 2022 йил якунигача алоҳида маъмурий-бошқарув тизими жорий қилинади. Ҳудудга бош вазир ўринбосари масъул этиб тайинланди. Унга ҳудудни бошқариш дирекцияси билан биргаликда тумани ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси юклатилди.

Фармонда, жумладан, туманининг туристик йўналишдаги имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳудуднинг ихтисослашувини аниқ белгилаш, туристик, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш учун 2022 йил 31 декабрга қадар ҳудудда алоҳида маъмурий-бошқарув тизими жорий этилиши, шунингдек, туристик салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хоржий ва маҳаллий сайёҳларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилма билан таъминлаш, кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш, турмуш шароитини яхшилаш белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида эркин туристик зона ҳудудидан яшил зоналарни ташкил қилиш, айрим ҳудудларда эса табиатга ҳарор келтирадиган хўжалик фаолиятини, шу жумладан, чорвачилик, деҳқончилик, янги саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш тақиқланган зоналарни белгилаш; аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига

кўрсатиладиган айрим давлат хизматларини аутсорсинг тизими асосида ташкил этиш; давлат мулки бўлган дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар ва бошқа объектларни ишончли бошқарув шартномаси асосида бошқарув компанияларига бериш каби масалалар ҳам фармондан ўрин олган.

Фармонга кўра Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурда юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Ўз навбатида, туман ҳокимлигига кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардорлиги ва сифатини ошириш; миллий туризмни дунё бозоридан кенг тарғиб қилиш; туман аҳолисини туризм соҳасидаги тадбиркорликка жалб этиш, халқаро рейтингларга асосан туризмни ривожлантиришга етакчи хоржий мамлакатлар, жумладан, Туркия, Франция, Испания, Швейцария, Япония ва Корея Республикасидан мутахассисларни жалб қилиш каби вазифалар юклатилди.


Бундан ташқари, Бош прокуратура тизимида Тошкент вилояти табиатини муҳофаза қилиш, ер ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳудуднинг экологик ҳолатини янада яхшилаш ҳамда экотуризмни ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан самарали назоратни ташкил этиш ҳамда ер майдонларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинishi ҳамда ноқонуний объектлар қурилишининг олдини олиш мақсадида давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига 10 та штат бирлигини ажратиш орқали ихтисослаштирилган прокуратура ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат ҳамда ерлардан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура туман ҳудудидан жойлаштирилади.

Белгиланишича, давлат бошқаруви органларининг туман бўлимларида кўшимча ажратилаётган бошқарув ходимлари, шунингдек, янги ташкил қилинаётган давлат органлари ва ташкилотлари бошқаруви ходимлари сони Тошкент вилояти бўйича ҳокимият, қурилиш, адлия, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари ҳудудий бўлимларининг штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобидан тўлдирилади.

Қахрамон МИРСАГАТОВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари



FAOLIYAT

ТАДБИРКОР – ЭЛГА МАДАДКОР

Бугунги кунда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан минглаб кишилар оқилона фойдаланиб, ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришмоқда. Хусусан, Қораўзак туманида 18 та қорамолчилик, 15 та қўйчилик ва 1 та эчкичилик фермер хўжалиги мавжуд. Уларга туман ҳокимининг қарори билан 22 827 гектар ер ажратиб берилган.

Ўтган йилда туман бўйича чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан қорамоллар сони 1494 тага, қўй ва эчкилар 1746 тага, йилкилар 272 тага, туялар 90 тага кўпайди.

А.Досназаров номли овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Рапаев farms» наслчилик хўжалигида Европа давлатларидан олиб келинган минглаб наслдор мол ва қўй-эчкилар боқилмоқда. Хўжаликка кейинги уч йилда чет элдан 700 та мол олиб келинди ва юз бош қорамолга мўлжалланган янги ферма ишга туширилди. Шунингдек, суткасига 6 минг литр сутни қайта ишлайдиган ускуна ўрнатилди.

Фермер худуддаги 72 кишининг бандлигини таъминлаган.

Корхона кейинги 3 йилни 784,4 млн. сўм даромад билан янқланган. Шу билан бирга,

ўқув курсини йўлга қўйиш режалаштирилган. У 20 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, чорвачилик ва сутни қайта ишлашга қизиққан ёшларга 10 кун давомида тажрибали мутахассислар сабоқ бериши кўзда тутилган.

Албатта, тадбиркор хайр-саховат ишларида ҳам фаол. Хусусан, хўжалик кейинги икки йилда байрам муносабати билан камбағал оилаларга 9,5 млн. сўмлик ёрдам кўрсатди.

Бу ҳақида ёзишимиздан мақсад бутун ишлайман, тадбиркор бўламан деган одамга имконият етарли эканлигини тушунтиришдир. Прокуратура органлари ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳаминиша тайёр.

Нажимаддин ДЖОЛАМАНОВ,
Қораўзак тумани прокурори

JINOYAT VA JAZO

БИР УЮМ ЧИҚИНДИ МОЖАРОСИ

Ўша куни Ўлмас (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ошхонада турмуш ўртоғига қарашаётганди. Дафъатан кўчадан онаси Ойсара опа кириб келди. Унинг қовоғидан қор ёғиларди.

– Тинчликми, она? – деди Ўлмас гўшт майдалай туриб.

– Э, асабим жуда бузилди, – деди Ойсара опа йиғлаб. – Анави Лола янганг арчамизнинг тагига чиқинди ташлаган экан. Отанг улар билан жанжал қилди. Мен индамай чиқиндини олаётувдим, эр-хотин «сен тентакнинг кизи, нимага эринга бизларни ёмонладинг?» деб роса ҳақорат қилишди...

Жаҳли чиққан Ўлмас кўлидаги пичоғи билан кўчага отилди. Ўринбой амакисининг уйига шахт билан кириб борди. Ҳовлида турган амакиваччалари Фарход ва Абдурахмонни силтаб юбориб сўради:

– Отанг қани?

Ичкаридан Лола янгаси чиқиб келди.

– Нимага болаларим билан жанжал қилаяпсан? – деди важоҳат билан турган Ўлмасдан тап торгмасдан.

Ўлмас жавоб ўрнига унга ташланди. Фарход қичқириб юборди:

– Урманг, онамни ўлдириб қўясиз...

Ўлмас кўлидаги пичоқни амакиваччаларининг кўз ўнгида янгасига санча бошлади. Биринчи зарба аёлнинг юзини тилиб юборди, кейингиси кўлини, сўнг кўксини...

Шу пайт кўчадан Ўринбой ҳаллослаб келиб, кўлидаги калтаги билан Ўлмасни уриб ҳайдади. У эса кўлидаги тигни энди амакисининг кўксига санчди... Бу орада эрининг ортидан чопган Лола кўксини чанғаллаб ерга йиқилган эди...

Вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли эр-хотиннинг жони омон қолди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судида Ўлмас Йўлчиёвнинг мазкур жиноят иши кўрилди. Суд ҳукмига кўра судланувчи 12 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жабрланувчиларга ундан 20 миллион сўм маънавий зарар ҳам ундирилмаган бўлди.

Бир уюм чиқиндидан бошланган можаро ана шундай аянчли якуни топди.

Шаҳбоз АБДИЕВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

JARAYON

МАКТАБЛАР ОЧИЛАДИ, УЛАРГА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БИРИКТИРИЛАДИ

2020 йилнинг 28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Янги ўқув йили яқинлашгани сари барча ота-оналарни ўқини қачон ва қай тарзда бошлаши қизиқтирмоқда. Бугунги кунда мактаб ўқувчилари сони олти миллион икки юз мингдан зиёдлиги инобатга олинса, юртимизда бу масалага бефарқ оила йўқлигини айтиш мумкин.

Шу боис давлатимиз раҳбари ҳукуматга бу бордада халқ фикрини билиш, ота-оналар ва муаллимлар билан маслаҳатлашган ҳолда ҳар томонлама чуқур ўйланган қарор қабул қилиш бўйича кўрсатма берган эди.

Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги томонидан махсус сўров ўтказилиб, ҳар бир ота-онанинг фикри батафсил ўрганилди. Бу тадбирда 5 миллион 500 минг ота-она иштирок этди. Уларнинг 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни

анъанавий шаклда олиб бориш тарафдори бўлган. 24 фоизи эса масофавий шаклда – теледарслар орқали давом эттиришни маъқул кўрган.

Ўқитувчилар билан ўтказилган мулоқотларда ҳам аксарият педагоглар болаларнинг кўзи ва қалбларини соғинганини, таълим ва тарбия беришга тайёр эканлини, мактаблар очилишини орзикаб кутаётганини билдиришган.

Йиғилишда айтилишича: — мактабларда таълим жараёнини бир вақтнинг ўзида икки хил шаклда ташкил этишга қарор қилинди. Яъни, аксарият ота-оналар талабига кўра анъанавий, шу билан бирга масофавий шаклда йўлга қўйилади;

— санитария хизмати марказлари мактабларга ёрдам кўрсатиб, ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилиш мақсадида

5 сентябрга қадар ўз худудидаги мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлик ҳолатини ўрганиб, жамоага қўшимча ўқув-тренинглар ўтади;

— маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари ўз туманидаги эпидемиологик шарондан келиб чиқиб, мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан қарор қабул қилади;

— Халқ таълими вазирлигига ота-оналар ҳамда маҳаллий кенгашлар таклифларидан келиб чиқиб, янги ўқув йилини 14 сентябрдан бошлаш, мактабларда ҳаракатлар схемасини ишлаб чиқиб, тажрибадан ўтказиш бўйича топшириқ берилди;

— видеодарсларни сифатли тайёрлаш, бу жараёнга давлат ва подавлат телеканалларини жалб этиш, 3 та телеканалда доимий эфирга узатиб бориш зарурлиги



қайд этилди;

— ўқувчилар учун интернетдан фойдаланишда имтиёзли «Мактаб» тариф режаси жорий этилиши айтилди;

— ҳар бир мактабга ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари бириктирилиб, тартибни сақлаш ва карантин талабларига риоя этилишини назорат қилади;

— ўқувчиларнинг соғлиғидан доимий хабардор бўлиш мақсадида худудий поликлиника ёки врачлик пунктларидан камидан бир нафардан тиббиёт ходими

жалб этилади;

— педагоглар 1 октябрга қадар гриппга қарши бепул эмланadi.

Мутасадди вазирликларга мактаблар учун пирометр ва дозаторлар харид қилиш ҳамда худудларга етказиш бўйича топшириқлар берилди. Вилоят ҳокимлари мактабларни дезинфекция қилиш, антисептик воситалар, тиббий ниқоблар билан таъминлашга масъул этиб белгиланди.

Ўз мухбиримиз

ТЕРГОВ СИФАТИ ОШАДИ

Жиноятларни фош этишда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳамда унда криминалистика соҳасидаги махсус билимлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, фармонда суд-тергов фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида:

процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илгор хорижий тажрибада кенг қўлланадиган исботлаш стандартларини иноватта олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш;

жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий

ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва бошқалар кўрсатилди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш механизми ҳам мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топди. Унга мувофиқ прокуратура органларининг белгиланган шпарт бирлиги доирасида Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида прокурор-криминалист лавозими жорий этилиши суд-тергов фаолиятини такомиллаштиришнинг ечимларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилди.

Прокурор-криминалистикага нима учун эҳтиёж пайдо бўлди

ҳамда у қандай фаолият билан шуғулланади?

Прокурор-криминалист жиноятларни терговини ташкил қилиш, ўтказиш, тергов ҳаракатларининг кетма-кетлигини тўғри танлашда ёрдам бериш, замонавий техник воситалар ва махсус билимлардан фойдаланувчи прокуратура органи ходимидир.

Жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлаётган ва янги турдаги экспертизалар жорий қилинган бир пайтда одатдаги тергов ҳаракатларини олиб бориш билан чекланиб қолиб бўлмайди.

Жиноятларни фош этишда рақамли технологияларни қўл-

лаш, улардан фойдаланиш усулларини доимий равишда янгилаб боришда прокурор-криминалистар муҳим ўрин тутди.

Прокурор-криминалистикага эҳтиёж куйидагиларда намоён бўлади:

тергов ҳаракатларини ўтказиш алгоритминини ишлаб чиқиш лозимлиги;

доимий равишда ошиб бораётган экспертиза имкониятларидан ўринли фойдаланиш;

оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишга тахлилий ёндашиш, терговни тез ва сифатли ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

суриштирувчи ва терговчиларнинг аксарияти ёш бўлган бир даврда уларнинг фаолиятини йўналтириб боровчи профессионал мутахассисга эҳтиёж ошиб бораётгани.

Бугунги кунда оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этишда янги ёндашувлар, тактик усуллар ва замонавий технологияларни қўллашга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Фармонда қайд этилган яна бир муҳим вазифа прокурор-криминалистарнинг замонавий махсус жиҳозлар билан таъминлаш чораларининг кўрилиши бўлди. Унга мувофиқ Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлинмалари ва Ички

ишлар бош бошқармаси тергов бошқармасининг фаолиятини халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибага мувофиқ намунавий тарзда ташкил этиш, бунда уларни замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозланган транспортлар, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография ускуналари билан таъминлашга, шунингдек, хизмат биносида махсус тергов ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоячи билан холи учрашиш хоналарининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тергов сифатини ошириш ва шу орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини яхшироқ муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Истам АСТАНОВ,
Бош прокуратура академияси
доценти
Фахриддин МИРЗАЕВ,
Бош прокуратура академияси
катта ўқитувчиси

КАДРЛАР СИЁСАТИ – ДОИМО УСТУВОР

Ўз касбининг ҳақиқий эгаси бўлган кадрлар ҳар қандай жамиятнинг негизи, аҳолининг илгор қатлами ҳисобланади. Тараққиёт йўлидаги ҳар қандай мамлакатда ҳар доим кадрлар масаласига катта эътибор қаратилади.

Юкори маънавий-ахлоқий сифатларни ўзида акс эттирган, профессионал, малакали кадрлар захирасининг мавжудлиги ҳар қандай корхона, муассаса ва ташкилот нуфузини ошириш билан бир қаторда фаолиятда юзага келадиган муаммо ва хатоларни қонуний ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Кадрлар сиёсатидаги Ўзбекистон прокуратура органлари тизимида ҳам алоҳида ёндашув мавжуд.

Биринчидан, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддасида прокуратура органлари тизимида ҳам алоҳида ёндашув мавжуд.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Прокуратура органлари кадрларини



тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида:

– прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи хизматларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

– замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларнинг интерфаол ҳамда муаммоли-вазирлиги услубларини кенг жорий этиш;

– прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунлиликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб

муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

– прокуратура органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш, номзодларни хизматга қабул қилишда касбий-психологик танлов ўтказиш, прокуратура органларидаги маънавий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш каби бир қатор вазифалар белгиланганини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Учинчидан, «Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида»ги қонун ҳамда Бош прокурорнинг 2016 йил 29 августдаги «Кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи кадрлар сиёсати прокуратура органларида алоҳида эътиборда эканлигини далил беради.

Юқорида келтириб ўтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш, ходимларни бошқарни ва инсон ресурсларини ривожлантиришда инновацион усуллардан фойдаланиш, давлат хизматчиларида юксак ахлоқ-одобни, коррупцияга тоқатсиз муносабатни шакллантириш максатга мувофиқдир.

Нодирбек МАМАТАЗИЗОВ,
Анджон вилояти прокуратураси
бўлим бошлиғи

2020 йилнинг 1 октябридан бошлаб, Ўзбекистон бўйича 1 миллион 273 минг 600 нафар контингент гриппга қарши эмланиши кўзда тутилган.

3-SENTABR 2020-Y.
HUGUB N. 35
(1232)

5

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони асосан мамлакат Қуролли қучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун бир гуруҳ юртдошларимиз ватаннинг юксак мукофотлари – орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар сафида прокуратура органлари ходимлари ҳам бор.

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» медали билан мукофотланганлар:



Мавлонов Санжар Абдрахимович – Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани прокурори



Меликулов Ахрор Норкулович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани бўлими бошлиғи



Нарзиёв Парда Бурханович – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси катта прокурори



Наурызбаев Байрам Сарсембаевич – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи



Ҳақимов Ҳусниддин Умматали ʻугли – Наманган вилояти Поп тумани прокурори

«ШУҲРАТ» медали билан:



Джумаев Анвар Олтинович – Навоий вилояти Хатирчи тумани прокурорининг ўринбосари

ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАР БИЛАН ТАБРИКЛАБ, КЕЛГУСИ ФАОЛИЯТИДА ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!

Жанабай ЖАМАЛОВ, Кўнғирот тумани прокурорининг ўринбосари, «Шуҳрат» медали соҳиби:



– *Очиги, мамлакатимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами арафасида қатор ҳамюртларимиз қатори мен ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири – «Шуҳрат» медали билан тақдирланганимдан эҳсуда хурсандман.*

Албатта, ватан равнақи йўлида меҳнат қилиш кишига завқ баштилайди. Биз ҳам кўпчилик қатори шу азиз юрт, улда яшовчи меҳнатқани халқнинг тинчлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш йўлида хизмат қилаётганимиздан фахрланамиз.

Таъкидлашни хоҳлардимки, менинг прокуратура органларидаги озгина меҳнатим эвазига берилаётган бу катта мукофот Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоасига билдирилган ишонч деб биламан.

Пайтдаш фойдаланиб ҳамма ҳамкасбларимни ушбу байрам билан муборакбод этиб, давлатимиз келажаси йўлидаги ишларида янгидан-янги зафарлар тилаб қолам.

Неъматжон АБАЗОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Урганч шаҳар бўлими бошлиғи, «Шуҳрат» медали соҳиби:



Департаментдаги фаолиятимни 2007 йилдан Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Кўнқўлпир тумани бўлими суриштирувчиси лавозимида бошлаганман. Ўн уч йил давомида тизимда қатор ислохотлар амалга оширилди. Булар иқтисодий жиноятлар ва коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга хизмат қилди.

Бу йилги пандемия шароитида департамент органлари томонидан нарх-навонинг сунғий оширилишига йўл қўймаслик борасида олиб борилган ишларни халқимиз манфуният билан эътироф қилмоқда. «Даладан дастурхонга» тамойили асосида томорқачилар ҳамда тадбиркорлар ўртасида шартномалар тузилмишга ёрдам берилди. Натижада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аҳолига арзон нархларда етказилиши таъминланди.

Иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, пандемия шароитида аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида ишларимиз давлатимиз томонидан эътироф этилганидан хурсандимиз.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида мен ҳам «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Давлатимиз раҳбарининг ушбу эътибори бутун жамоамизни рузлантирди.

Қонуни устуворлигини таъминлаш, иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, коррупция ва хуфийна иқтисодиётга барҳам бериш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўйишни шарафли бурчим деб биламан ва бу йўлда бутун салоҳиятимни ишга солган ҳолда меҳнат қиламан.

ХАЛҚ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосан мамлакат мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида халқимизга сидқидилдан хизмат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз қатори Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси тезкор бўлими бошлиғининг ўринбосари Рустамали Луқмонов «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Мамлакатимизда хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуни ҳимоясига олинган. Тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилаёпти. Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ходимлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчиликка қатъий амал қилинишини таъминлаш, ўзбошимча иш бошлаганларни давлат рўйхатидан ўтказдириб, фаолиятига қонуний тус бериш билан бирга ваколатини сунистеъмом қилиш, коррупцияни фош этиш ва унинг олдини олиш борасида астойдил ишлаяпти.

Р.Луқмонов 2012 йили Тошкент молия институтини битириб, департаментнинг Марғилон шаҳри бўлимида иш бошлады.

– Рустамали ўз устидан тинмай ишлайди, – дейди **вилоят бошқармаси тезкор бўлимининг бошлиғи Ҳаётжон Муллажонов.** – Қонуни ҳужжатларини, уларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришларни мунтазам ўзлаштириб боради. Билмидон, тажрибали ходим сифатида топшириқларни мукамал адо этапти. Таҳлил ва тадбирларда аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилишда жонбозлик кўрсатмоқда, – дея бир қатор мисолларни келтиради.

– Коронавирус тарқалишини жилволаш учун жорий этилган карантин шароитида дорилар қиммат нархларда сотилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиляпти, – дейди Рустамали Луқмо-

нов. – Дорихоналарнинг эгалари ва ходимлари огоҳлантирилмоқда. Қўлда дори сотишга жазм этганлар қонуний жавобгарликка тортилди. Ҳамкасблар билан бозор ва дўконларда нарх-наво асосиз оширилишининг олдини олиш борасида ҳам ишлаяпти. Мустақиллик байрами арафасидаги хушхабар мени тўлқинлантириб юборди. Менга берилган «Шуҳрат» медалини бутун жамоамизга берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Мукофот айна пайтда янада масъулият билан ишлашга даъват этмоқда. Жамоамиз билан халқимизга астойдил хизмат қиламан.

Исроил ИБРОҲИМОВ, «Ҳуқуқ»



Етти ўлчаб бир кесадиған, қонун-қоидаға рия қилған киши фирибгарға алданиб қолмайди. Аммо...

– Алдарқўсалар кўпайиб кетди, – дея гапга қўшилди Жонибек. – Мен ҳам куйганман, қатикниям пуфлаб ичадиган бўлиб қолганман. Хотиним бозордаги «Матбуот» дўконда ишларди. «Хажалхон опани беш-олти йилдан бери танийман. Ёнимда савдо қилади. Бозор ёнидаги домда туради. Қизини унаштирганида хонадонда бўлганман. Куёви андижонлик. Дилер, машина сотади. Асақанинг заводидан олиб чиқаркан. Пулнинг ярмини бериб, қолганини уч йил бўлиб-бўлиб тўларканмиз. «Тико»ни сотинг, янги «Матиз» оламиз» деб кулоқ-миямни еди.

– Кайданам сенга айтдим-а машинани сотаман деб. Сотаману янгиини банк кредитига оламан. Кредитга бераяпти, – дея қўл силтадим.

– Максудaxonнинг хўжайини кредит оломқчи бўлиб банкка саксон беш фоз пулини топшириб қўйган экан. Ўн ойда навбати етганда «нархи ошди, қўшимча тўлов қиласиз» дейишибди. Ўша пулини савдога айлантирганда бир ярим-икки баробар қўлайтириб оларди. Пулни бериб қўйиб бир йилда, нархи ошганда оламизми? Хажалхоннинг куёви машинани бир haftaда келтириб бераркан.

Охири қўйдирди. «Тико»ни бозорда сотдим. Пулни Хажалхон аянинг куёвига икки қўллаб топшириб қўйдим... «Келаси яқшанба машинани миниб келиб калитини қўлингизга бераман» деган «дилер» бу яқшанба ҳам, ундан кейинги яқшанбаларда ҳам қорасини кўрсатмади. Қўнғироқ қилдим. Хайдарали Андижон шаҳрига қираверишдаги ошхонада кутиб оладиган бўлди. Кўришганда у энгимдан

кириб бу энгимдан чиқди. «Икки кундан кейин машинани миниб бораман» деб чиша-чин ишонтирди. Орадан икки кун ўтгач ўзи қўнғироқ қилмади, қўнғироқ қилсам «завод тўхтаб турибди, келаси ойда ишга тушади» дея яна аравани курук олиб қочди. Бир-икки ой ўтди. Хайдарали қўнғироқларимга жавоб бермай қўйди.

Фирибгарнинг тўрига тушганини англаб, «сен қилдинг» дея хотинни бўғдим. Рухсора «машина керакмас, айт куёвингга, пулни қайтарсин» деб кисти-бастига олганда Хажалхон «мен ҳеч нимани билмайман, пул олди-берди-сида бўлмаганман» дея тўнни тесқари қийди. Асақанинг заводига бориб учрадим. Завод тўхтамаган экан. Хайдарали деган дилерни ҳеч ким танимас экан. Хажалхондан унинг уйини сўраб топиб бордим. Андижон шаҳрининг четидаги маҳаллада тураркан. Уйда йўқ, уч-тўрт кундан бери келмабди, кекса ота-онаси, хотини Фарғонада бева аёлга уйланганини, заводдан машина олиб сотишгани билдишмас экан.

Фарғона шаҳар ИИБга учрадим. Ариза ёзиб бердим. Икки кундан кейин ИИБ ходими қўнғироқ қилди. Уни Андижон шаҳридаги фирибгарнинг уйига бошлаб бордим. Бирок Хайдарали бу гап ҳам тутқич бермади. Ўртада турган Хажалхонни ИИБга чақиртиришда «чет элга кетиб юборибди» деди. Хажалхон Рухсорага «ўша пулларингни ўзим қайтарай» дея ёлворибди. Қўнмай иложим қанча? Бўлиб-бўлиб қайтарилган пулнинг баракаси учди. Бокка пиёда қатнаб қийнал-

СОДДАЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН

дим. Кузда мева пулига эски «Москвич» олдим. Келаси йили ҳосил баракали бўлди. Машина бозорда икки йил минилган, яхши сақланган «Матиз» машинани олдим. Сохта дилер мен каби қанча одамни чув туширди – худо биледи.

Айб ўзимда, ўшанда дилерлик хужжатингни кўрсат, идорангга олиб бор деб таг-тугини суриштирганимда фирибгарнинг ўзи йўқ бўларди, алданиб қолмасдим. Бўларкану, мана ҳозир банкка аввалдан тўлов қилиб машина чиқишини оилаб кутишлар бекор бўлди. Тўлов қилган заҳоти машинани расмийлаштириб беришди. Газеталарда эълон беришарди. Кредитга машинани нархи, устамаси, бари неча пул бўлишини ҳисоб-китоб қилиб, маъқул келса, ҳамён кўтарса олаверасиз.

– Мени курувчиман деган олғир алдаб кетди, – дея суҳбатга қўшилди Ҳосиббек. – Уйнинг томини ёпиш керак эди. Бирга бориб бозордан керакли нарсаларни олди. Эртаси куни учта шоғирди билан ишга киришди. Хизматчилик, ишнинг тепасида тура олмадим. Арафа куни шифер қокниша тайёр бўлганида уста «хайитни ўтказиб келамиз» деди. Хомлик қилиб қўлига сўраган пулини, иш ҳақининг тўртдан уч қисмини бериб қўйибман. Хайит ўтди, келмади. На манзили, на телефон рақами бори. Бошқа, ўзимизнинг маҳалладан, қўли бўшаган устани гаплашдим. Томга чиқиб, бошини чайқади.

– Тўсинлар нимжон, том силкина-япти, стропила мустаҳкам эмас, қаттиқ шамолда қулаб тушади, – деди. – Қайтадан қилмасак бўлмайди. Кейин кўз-кўзга тушади, ишнинг жавоб беришим бор.

Хуллас, бузиб, янгидан қилди. Том икки баробар қимматга тушди. Танмаган-билмаган билан иш қилиб бўлмас экан.

– Пулга иймонини сотган таниш, хатто қариндош ҳам фириб бераяпти-ю, – деди Жонибек. – Қўшни қишлоқда уч-тўрт йил бурун чет элга ишлаб қайтган аёл қариндошларига мактанган. Қозоғистонда курувчиларни ишга жойлаштирадиган хотин билан танишганини айтган. Беш-олтига қариндош йигитларни чегарадан олиб ўтиб ўша аёл билан гаплашиб иш топиб беришига ишонтирган. Ўйўкрага пулларини йиғиб Топкент вилоятидаги чегара постидан Қозоғистонга ўт-

казган. Жамбул шаҳрига олиб бориб, ўзи айтган аёлга рўбарў қилиб, ортига қайтган. Йигитлар бир одамнинг уйини пойдеворидан бошлаб қуришга киришишган. Бир ой ишлаб, иш ҳақини беришни, уйга пул жўнатишларини айтишган. Уй эгаси «сени олиб келганга пул бериб қўйганман, ўша пулимни ишлаб берасанлар» дея уйи битганида ҳам сарик чақа бермаган. Иш топиб берган аёлга учраганларида, «сизларни чегарадан олиб ўтган хотин билан ҳисоб-китоб қилганман» дея фақат йўлқирага яраша пул берган. Уйга қайтгач, йигитлар департаментга мурожаат этишган. Суд бўлиб, фирибгар аёлдан ҳар бирига бир-бир ярим минг доллардан иш ҳақи ундириб берилди. Ҳам фирибгарлик, ҳам одам савдоси жиноятига қўл урган қариндош аёл қамалди.

Дарвоқе, фирибгарлар муайян соҳага ихтисослашган. Нафақат соддалик, ҳуқуқий савияси саёз, қонун ҳужжатларининг моҳияти, жамиятдаги ўзгаришлар, барча идораларнинг ошқора фаолият юритишига ўтганидан етарлича хабардор бўлмаганлар, балки хабардор бўлса-да, ўз билганидан қолмаган, қўшни кўрган одамлар ҳам пул эвасига боласини боғчага, мактабга, университетга ўқишга, дипломи бўйича ишга жойлаб қўйишга, коммунал қарзларини йўққа чиқаришга, имтиёзли шартларда уй олиб беришга, ҳуқуқбузар ўғилни очикда қолдиришга оид қарор ёки ҳукм чиқартиришга қармабаста устаси фаранглар ташлаган қармоққа илбини қолишарди.

Сулданиб туриб ҳам тақдоран фирибгарлик жиноятига қўл уриш ҳолатлари қамаймаяпти. Суд ҳукмларида фирибгарлиги учун уч-тўрт, етти-саккиз марта сулданиб, жарима, ахлоқ тузатиш, озодликни чеклаш жазосини ўтаган, тақдоран фирибгарлик қилганларга ҳам тагин ўша ахлоқ тузатиш ёки озодликни чеклаш жазоси тайинланганини кўриш мумкин. Кечиримликнинг ҳам чегараси бор. Бундайларга қилмишидан ҳўжақўрсинга эмас, чинакамига афсусланишига мажбурловчи озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш лозим эмасми?! Қамоқ жазоси қайта-қайта фирибгарликка қўл уришга мойил кимсаларни жиловланиши аниқ.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Нурқо»

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ТИЛАНЧИ ФИРИБГАРЛАР

П.Ш., А.К., О.Р ва З.Уларнинг Хива туманига ташрифидан мақсад бўш баклашқаларни йиғиш ва тиланчилик қилиб пул ишлаш эди. Мамлакатимизда тиланчилик тақиқланган бўлишига қарамасдан, бу аёллар тирикчилик ва одатларни баҳона қилиб, яхши инсонлар кўплигидан фойдаланиб, уйма-уй юриб тиланчилик қилишдан оранмадилар.

П.Ш ва А.К битта маҳаллага бориб, икки қаватли уй олдида тўхтаб қолишди. Хонадон соҳиби Н.Р. очикқўнғил аёлиги шундоқ кўриниб турарди. Улар уй бекасидан ичишга чой сўрашди. А.К.нинг хомиладорлигини кўриб, чой беришга рози бўлган аёл кейинчалик анча сарсон бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди ўшанда. П.Ш. ва А.К. бири олиб, бири қўйиб, Н.Р.нинг турмуш ўртоғи ва фарзандларига ўлим дуоси қилинганини, дуо боғдаги хожатхона ёнига кўмиб

қўйилганини айтиб, агар хоҳласа дуони очиб беришни таклиф қилишди. Ваҳимага тушган Н.Р. рози бўлди.

Шундан сўнг П.Ш. бор маҳоратини ишга солиб, дуо «кўмилган» жойни топди. Аёллар дуода тўртта кафан қўринаятганини, бу хонадонда тўрт киши ўзини осиб ўлдиришини аңлатилини айтганида Н.Р.нинг бошидан ҳуши учди.

Натияжада Н.Р. уларнинг айтганини бажара бошлаган, бундан фойдаланган ҳийлагарлар дуони очиб

бериш учун Н.Р.дан тилла тақинчоқларини талаб қилган, талвасага тушган Н.Р. уйдаги ва ўзи тақиб юрган барча тилла тақинчоқларни фирибгарларга қўшқўлаб топширган.

Пайтдан фойдаланган фирибгарлар гўё тилла тақинчоқларни пахтага ўраб, уйдаги жавон устига отиб юборганлар. Аслида эса жавон устига отилган пахтага тақинчоқ эмас, тош солишган ва Н.Р.га жавон устидаги пахтага бир hafta тегинмасликни, бир haftaдан сўнг тиллаларини олиши мумкинлигини айтиб, тақинчоқларни ўзлари билан олиб кетишган.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Фирибгарлар ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари томонидан фош қилинди ва суд ҳукми билан уларга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Жалолоддин ҚАЛАНДАРОВ,
Хорвзм вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Бир қатор карантин чекловлари 2020 йил 5 сентябрдан кейин ҳам сақлаб қолинмоқда.

ЧИНГА АЙЛАНМАГАН «ЭРТАК»

Нафсага эрк беришнинг оқибати яхши бўлмайди. Пешку тумани Қалъа қишлоғида яшовчи Шариф Зарипов нафсага эрк бериб эл олдига шарманда бўлишдан ёмони йўқлигини энди билади. У бирданига бой бўлиб қолиш истагида юрарди. Охири масъулияти чекланган жамият очиб, одамлардан пул, чет эл валютаси, автомобиль, қорамол йиғиб, эвазига бириникидан бирига фоиз бериб даромад кўриш фикрида тўхтади.

берган айрим кишиларни ҳам воқиф қилар, ўзи билан бирга олиб кетар эди.

Тез фурсатда бойиб кетаётган укасининг хатти-ҳаракатидан акаси Шерзод Зарипов хавотирга тушгани рост. Ахир «Нексия», ўнта болали сигир, иккита ҳўкиз, «фалончидан пул келтир», «пистончига пул олиб бориб бер» деган тошшириқлардан сўнг Шарифдан бу қанақа пул эканлигини сўраб ҳам аниқ жавоб ололмади.

Одамларни алдаш эвазига

майдаги қарори билан фуқаро Шамшод Саидовга сунъий қопламали футбол майдончаси ҳамда ёрдамчи бинолар барпо этиш учун ажратилган 1000 кв. метр ерда футбол майдони ва биноларнинг пойдеворини қуриб, жиний даромадни легаллаштириш жиноятини ҳам содир этган.

Суд ҳукми билан Шариф Зарипов 9 йилу 5 ойга озодликдан маҳрум қилинди. Жазо шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланди.



жарак-жарак пулни кўрган Шариф Зарипов саховатпешаликни ҳам унутмади. У Налбандон қишлоғида футбол майдони қуришни режасига киритиб қўйди. Бирок «Қачон фойдани бера-сиз?», «Пулим қанча кўпайди?» деб сўраб келаётганларга унинг жавоби йўқ эди.

Бундан ташқари, Шариф Зарипов қўлга қиритган пулига қонуний тус бериш мақсадида 2019 йил 24 сентябрда «Lada vesta» русумли автомашина сотиб олган ҳамда Налбандон қишлоғидан туман ҳокимиянинг 2018 йил 31

Аммо бир жихат кишини ўйлашга ундайди. Фуқароларнинг дунёқарашини, ҳуқуқий онгини ўзгартириб бораётган бутунги кунда ҳам Шарифбойга ўхшаганларнинг ёлғонига ишонадиган одамларни соддадил, ишонувчан дейимизми ёки қонуний йўллар билан пулни кўпайтириш илинжида юрган қимсалар десак тўғрими?

Тўймурод СУЛТОНОВ,
департаментнинг Пешку тумани бўлими инспектори

ПОРА ЧОРА ЭМАС!

Манзура коллежга ўқишга кирмоқчи бўлди. Хужжатларининг ҳаммасини жамлади-да Бўстон тумани хизмат кўрсатиш коллежига олиб борди. Эшик олдида таниши – шу коллежда ишлаётган асакалик Наргиза Тангрибердиевани учратди. Наргиза ким биландир телефонда гаплашаётган экан, унинг сўхбати тугагани анча кутишига тўғри келди.

Шундан кейингина у Манзура билан кўришиб, биринчи қаватдаги хонасига олиб кирди, ҳол-аҳвол сўради, келишдан максadini суриштирди. Манзура шу коллежнинг касб таълими бўлимига кириб ўқимокчилигини билдирди ва бу масалада қимдан маслаҳат олиш мумкинлиги билан қизиқди.

– Мен турганда бошқа қимгайм учрашардингиз? – деди кулиб аёл. – Шу ерда директор ўринбосариман. Қанақа иш бўлса албатта тайёрман...

Манзура унга хужжатларини кўрсатди. Ўринбосар папкани қўлига олган бўлса-да, уни хужжатлар унчалик қизиқтирмаётгани юзидан қилиб турарди. Ниҳоят, у дидагини тилига чиқарди. Ўқишга кириш 50 АҚШ доллари билан ҳал бўлишини, анча-мунча чиқимлари борлигини ва бу борада вилоят бошқармаси мутасаддилари билан ҳам «гаплашиш» лозимлигини уқтирган бўлди. Ундан камига иш битмас экан. «Пулни шу шанбадан қолдирмасдан олиб келинг, ўринлар банд бўлиб қолиши мумкин. Дарвоқе, агар бошқа талабдор бўлса, уларнинг ҳам хужжатини пули билан олиб келаверинг», – деди аёл. «Така бўлсин, сўт бери-син» нақлига амал қиладиган директор ўринбосарининг ҳузуридан чиққан Манзура энгил тин олди. Иши битганидан қувонса ҳам, Наргиза Тангрибердиеванинг «савдоси» бироз ҳаёлини фаромуш қилганди. Бирок у пора сўнгги чора эмас деган фикрида собит эди.

Орадан кунлар ўтгач, Наргизага сим қоққан Манзура ўзи, синглиси ва дугоналарининг хужжатларини олиб келатганини билдирди. Ўринбосар пул ёддан чиқмаслигини тайинлади. Улар мансабдор аёлнинг хизмат хонасида учрашишди. Наргиза хужжатлардан ҳам кўра 200 АҚШ долларини кўриб севинди. Ҳалязамон тўйга бориши керак, «тўёнадан қисилмайдиган бўлдим» деган ўй уни завқландирарди. Афсуски, осонгина келган бу пул унга буюрмади.

Жиноят ишлари бўйича Пахтабод тумани суди Наргиза Тангрибердиеванинг масаласини қонун доирасида кўриб чиқиб, асосли ҳулосага келди. Унга мувофиқ Наргиза 2 йил мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 2 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

Шухратбек ХОДЖИМЎМИНОВ,
департаментнинг Бўстон тумани бўлими бошлиғи

ОЙНАНИ ҚОРАЙТИРАМАН ДЕБ...

Департаментнинг Қўқон шаҳар бўлими ДХХ ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро А.Ғ.нинг аризаси асосида тадбир ўтказди.

Унда фуқаро У.О. ва А.А.лар А.Ғ.га автомашина ойналарини қорайтириш учун рухсатнома олиб беришни ваъда қилган ҳолда фирибгарлик билан Учкўприк тумани Оккўргон қишлоғида 1 млн. 150 минг сўм пулни олиб, эвазига А.Ғ.га тегишли бўлган «Нексия-2» автомашинаси ойналарини қорайтириш учун расмийлаштирилган 0041722-рухсатномани берган вақтида ушланди. Тадбир давомида А.А.нинг ёнида фуқаро М.М.нинг номига «Ласетти» автомашинаси ойналарини қорайтириш учун расмийлаштирилган рухсатнома ҳам борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

А.А.нинг кўрсатмаси ва пушаймонлик аризасига асосан давом эттирилган тадбирда фуқаро Б.А. А.Ғ.нинг автомашинаси ойналарини қорайтириш учун сохта рухсатнома тайёрлаб бергани эвазига А.А.

дан Учкўприк тумани ёшлар иттифоқи биносига 300 минг сўм пулни олган вақтида ушланиб, ундан сохта рухсатномаларни тайёрлашда фойдаланилган «Samsung» русумли ноутбук ва «Epson L-800» русумли рангли принтер ашёвий далил сифатида олинди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан У.О., А.А. ва Б.А.га нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Сохта хужжат тайёрлаган ва фирибгарлик билан бонка фуқароларга ўтказмоқчи бўлган шахсларга нисбатан суд томонидан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Отабек АЗИМОВ,
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори


ДОЛЛАРФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Нишон тумани бўлими ўтказган тезкор тадбирда яна бир ноқонуний савдога чек қўйилди.

Фуқаро Ш.Д.нинг мурожаати асосида ўтказилган тадбирда Ниристон шаҳридаги озиқ-овқат дўконларидан бирининг олдида қонунга хилоф равишда валюта олди-сотдиси билан шугулланаётган Х.Ш. фуқаро Ш.Д.га 200 АҚШ долларини 2 млн. 20 минг сўмга сотаётганда ушланиб, ундан 500 доллар ва 2 млн. 20 минг сўм пул олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Х.Ш.га нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, суднинг қарори билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бобомурод САИДОВ,
департаментнинг Нишон тумани бўлими инспектори



АЛИМЕНТ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖРОЛАР

Ота-она ўртасидаги никоҳнинг бузилиши болаларнинг моддий таъминотига таъсир этмаслиги керак. Бироқ бу мажбуриятини унутатган оталар ҳам йўқ эмас.

Жорий йилнинг 1 августига Мажбурий ижро бюросининг юритуви бўлган 1 млн. 58 мингдан ортиқ ижро ҳужжатининг 255 мингдан ортиғи алимент билан боғлиқ. Шундан 131 355 га яқини бўйича алимент ўз вақтида тўланаётган бўлса, 69 828 га яқини бўйича алимент мажбурий чораларни қўллаш орқали ундириб келинмоқда.

Мажбурий ижро бюроси ҳақида гап кетганда ақсарият фуқаролар ижро ҳужжатлари юзасидан қарзларни ундирадиган, тўламаганларнинг мулкни хатлаб, аукционга чиқарадиган ташкилотни кўз олдига келтиради. Аслини олганда эса бюро 20 дан ортиқ йўналиш бўйича ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлайди. Шулардан бири қарздорни фарзанди билан кўриштиришдир.

Ана шундай ижро ҳужжатларидан бири бюронинг Нишон тумани бўлимига келиб тушди. Фуқаролик ишлари бўйича Қар-

ши туманлараро судининг 2019 йил 18 октябрдаги ижро варақасига асосан А.Б.нинг 2018 йилда туғилган қизи билан ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи якшанбасида кўришиб туриши ва унинг тарбиясида қатнашиши белгиланган. Шунга кўра ҳужжатнинг ижроси ўз вақтида таъминланиб келаётган эди.

Шу орада тарафлар келиши ва ота қизини қўришни исталган пайтида кўриш имкониятига эга бўлди. Шунга асосан 17 август куни А.Б.нинг аризасига кўра ижро ҳужжати тавомланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Фурқат тумани судида жорий йилнинг 20 август куни Николай Двдживиевга нисбатан қўрилган маъмурий иш кўриб чиқилди.

Аслида фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2013 йил 13 декабрдаги буйруғига асосан вояга етмаган фарзанднинг моддий таъминоти учун Н.Двдживиевдан алимент

ундирилиши белгиланган бўлиб, у 2015 йил март ойида алимент тўлашни тўхтатиб, яширинган.

МИБ Қўқон шаҳар бўлими томонидан Н.Двдживиев яшаган ва рўйхатдан ўтган хонадон бир неча марта ўрганилган, лекин қарздорни топиш имкони бўлмаган.

Маълум бўлишича, Н.Двдживиев Тошкент шаҳрига ишлаш учун бориб ўша ерда қолиб кетган, бироқ пойтахтда карантин қоидалари қучайтирилгач, Қўқонга қайтишга мажбур бўлган.

20 август куни Н.Двдживиев уйда қўлга олинди, унга 5 йилдан ортиқ тўланмаган 26 млн. 458 минг 600 сўм алимент пулини тўлаш таълим қилинди. Буни рад этгач эса унга нисбатан тўланган ҳужжатлар Фурқат тумани маъмурий судига юборилди.

Суд Н.Двдживиевга 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини таъинлади. Бироқ бу ҳали ҳамма эмас, чунки келгусида қарздордан 26 млн. 458 минг 600 сўм қарзини ундириш чоралари кўрилади.

Улғубек АШУРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бошлиғи



ТАЪМИНОТЧИДАН ФУҚАРОГА

Одатда электр ҳақини тўламаган фуқаролардан электр корхоналарига қарзи ундирилган эди. Бироқ бу сафар бунинг акси, яъни таъминотчи корхонадан фуқаронинг пулини ундиришга тўғри келди.

Мажбурий ижро бюросининг Шайхонтоҳур тумани бўлимига фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2020 йил 7 февралдаги «Шайхонтоҳур тумани электр тармоқлари корхонаси» АЖдан С.Я.га 76 млн. сўмдан ортиқ қарзи ва давлатга 747 минг 994 сўм бож ундириш ҳақидаги ижро иши келиб тушган.

МИБ туман бўлими томонидан белгиланган муддатда корхона қарзини тўламаган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари домида давлат ижросини томонидан қарздорнинг Тошкент шаҳар «Ипотекабанк»нинг Меҳнат филиалидаги ҳисоб-рақамига 7 июль куни инкассо топшириғи ҳамда банд қўйилган.

Шундан сўнг С.Я.нинг қарзи ва давлат божи тўлиқ ундирилди. Натижада ижро ҳужжати тавомланиб, қарздорга қўйилган барча чекловлар бекор қилинган.

Меҳрож ГАСРУЛЛАЕВ,
МИБ Шайхонтоҳур тумани бўлими бошлиғи

ҚАРЗЛАР УНДИРИЛМОҚДА

Жомбой тумани давлат солиқ инспекциясининг қарорига асосан «Жомбойагропромхўжалик» ҳудудий акциядорлик жамиятидан Давлат солиқ инспекциясига 41 млн. 271 минг сўм солиқ қарзини ундириш белгиланган.

Ушбу ҳужжат Мажбурий ижро бюросининг туман бўлимига келиб тушган ва ижро иши кўзғатилган. Ижро ҳаракатлари домида қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамига банд солинган ва унга тегишли мулкларни аниқлаш мақсадида мутасадди идораларга хатлар юборилган. Натижада солиқ қарзи тўлиқ ундирилди.

Бобомурод САРИЕВ,
МИБ Жомбой тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

Бюронинг Чуст тумани бўлими ижрозчилари томонидан жарималар, қарзлар, маънавий зарарларни ундириш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, жиноят ишлари бўйича Чуст тумани судининг 2020 йил 14 февралдаги ижро ҳужжати асосан Турсунали Мамадалиевдан давлатга 23 млн. 415 минг сўм жарима ундирилиши белгиланган. Давлат ижросини томонидан қарздорга жаримани ўз вақтида тўлаши лозимлиги тушунтирилди. Натижада жарима тўлиқ ундирилиб, ижро ҳужжати тавомланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг қарорига асосан А.Ҳожиматовдан 3.Фозиловага 36 млн. сўм қар-

зини ундириш белгиланган. Ушбу ҳужжат бўйича ҳам қарз тўлиқ ундирилиши таъминланди.

С.Ахмедовдан А.Атавалиевга жиноят натижасида етказилган 4 млн. 924 минг 300 сўм моддий ҳамда 2 млн. сўм маънавий зарар ҳам тўлиқ ундирилиб, бўлим юритувидаги ижро ҳужжати тавомланди.

Мирсоҳиб РАЙМОВ,
МИБ Чуст тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

АВТОМАШИНАЛАР ХАТЛАНДИ

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 10 апрелдаги «Jizzax maxsus gaz-suv» МЧЖдан «New nerud» МЧЖга 209 млн. 562 минг сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Фориш тумани бўлимига 16 апрелда келиб тушган.

Ижро ҳужжати юзасидан олиб борилган ҳаракатлар натижасида қарздорга тегишли, 2015 йилда ишлаб чиқарилган «Malibu» автомашинаси хатланди.

Бундан ташқари, Фориш тумани иқтисодий судининг 2020 йил 7 апрелдаги ижро варақасига кўра «International gold agro» фермер хўжалиғи, «Oltin mo'jiza» хусусий корхонаси ва «Фориш улгуржи савдо инвест» МЧЖдан «Асакабанюк»ка 719 млн. 303 минг 840 сўм ундириш белгиланган бўлиб, мазкур ижро ҳужжати бюронинг Фориш тумани бўлимига шу куни келиб тушган.

Шундан сўнг олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари домида «Фориш улгуржи савдо инвест» МЧЖга тегишли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Эпика» автомашинаси хатланди.

Хатланган транспортлар вақтинча сақлаш учун жарима майдонига топширилган бўлиб, электрон онлайн аукцион орқали сотилиш чораси кўрилинмоқда.

Закир ДАРХАНОВ,
МИБ Фориш тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

Халқимиз азалдан болажон. Хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, фарзанд дунёга келса, Фратганининг инъоми сифатида қабул қилади. Боласини бошига кўтариб авайлайди, бутун меҳрини бериб камолга етказилади.

Афсуски, Оллоҳ тақдим этган бу инъомнинг қадрига етмайдиган ота-оналар ҳам бор. Турли сабаблар билан ҳаршиб кетгандан сўнг ота ёки она фарзандларини ўйламайди, хатто меҳр уёқда турсин, моддий таъминлашни ҳам ҳаёлига келтирмайди. Ана шундай вазиятда судлар чиқарган қарорларга асосан Мажбурий ижро бюроси болаларнинг таъминоти учун алимент пулини мажбурий тартибда ундириш чораларини кўради.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирокчи туманлараро судининг 2012 йил 22 июндаги буйруғига асосан Яқкабоғ тумани Ишкент қишлоғида яшовчи А.Н.дан шу тумандаги Олақарға қишлоғида яшовчи М.Х.га фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. А.Н. шу кунга алиментни белгиланган суммадан кам миқдорда тўлаб келган. Шу сабабли Мажбурий ижро бюроси Яқкабоғ тумани бўлими ижрозчилари томонидан алимент қайта ҳисоб-китоб қилинганда, 2020 йилнинг 1 августига қадар қарзи 15 млн. 740 минг 500 сўмга етгани маълум бўлган.

Қарздор бу ҳақида бир неча марта огоҳлантирилган. Аммо қарзини тўламагандан сўнг унинг «Lada xgau» русумли машинаси хатланиб, жарима майдонига олиб борилди. Ана шундан сўнг у қарзини тўлиқ тўлади.

Ўйлаб қоласан киши. Қарздор ўз пушти камаридан бўлган фарзанди учун алимент тўламай келди, аммо машинасини қайтариб олиш учун салкам 16 млн. сўмлик алиментни бир кунда тўлаб, машинасини олиб кетди...

Зайниддин БОЗОРОВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси инспектори

Хитой Ўзбекистондаги карантин лабораторияларини модернизация қилиш учун қарийб 3 млн. доллар ажратади.

ПУЛ ЖИГАРДАН УСТУНМИ?

Валихон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Қўқон шахрининг Чархий мавзесидаги уйини биринчи қаватидаги хонадонда онаси ва оиласи билан истикомат қилган. Ҳеч қаерда ишламаган. Акаси Алихон санъаткор, «Ўзбекконцерт»нинг Қўқон шахар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. А.Хўқандий мавзесидаги кўпқаватли уйдаги хонадонлардан бирида оиласи билан яшаган. Асосий ишидан ташқари тўйларга чиқиб юрган. Валихоннинг овозкучайтиргичи бўлиб, ҳофиз акасининг гуруҳида юриб тўйларда тушган пулдан улушини олиб турган. Шунинг ҳисобига рўзгорини тебратиб келган.

Мехр, оқибат, муҳаббат, вафо, ҳалолликни тараннум этувчи қўшиқларни қуйлаб танилган ҳофиз ичкиликка ружу қўйган. Ароқ ичиб маст бўлганида иззатталаблик қилиб жанжал чикаришга одатланган. Мастлигида одам танимаган, яқинлари га ҳам ташланаверган. «Пул бўлса чангада пўрва» дея пулга берилган. Ёши улугларини, онасининг ичкиликбозликдан кайтаришга уринишлари бесамар қолаверган.


Алихоннинг гуруҳида шогирди Шеркул давраларни қизитадиган қўшиқларни қуйлаган. Ака-ука ўртасида келиб чиққан низо бивосита Шеркулнинг гирромлигига бориб тақалади. Суд жараёнида аниқланишича, Алихоннинг гуруҳини шахардаги қаҳвахоналардан бирида ташкил этилаётган зиёфатда хизмат қилишга таклиф этишди. Алихон ўзи бормай шогирдларини юборди. Валихон овозкучайтиргичини қаҳвахонага ўрнатиб, зиёфатдаги тушумни хомаки ҳисоб-китоб қилиб ўтиради. Шеркулга кистирилган эллик минг, юз минг сўмликлар умумий қозонга тушмасдан, чўнтагида қолиб кетаётганига эътибор қаратади. Банкетдан сўнг пулни тақсимлаш чоғида Шеркулнинг йирик пулларни ашириб олиб қолганини юзига солиб эътироз билдиради. Танбех бериб, бу ҳақида телефонда акасига айтади. Алихон «Шеркулга бир сўм ҳам берма» дея тайинлайди.

Уч кун ўтиб қўришганида акасининг кайфияти йўқ эди. Рафикасининг ҳомиласи тушиб қолган экан. Алихон буни онасидан кўради, Валихоннинг уйига келиб, онаси билан сан-манга боради. Шанба куни шогирди Шеркул, унинг онаси Шукур билан улфатчилик қилиб, тўй уйича ичади. Банкетда тушган пулларни яшириб қолганини Шеркулнинг юзига солади. У эса ўз навбатида пулни укаси Валихон олиб тургани ва тақсимлаганини айтиб, оловга мой сепади.

Тун ярмидан ўтган, Валихон телевизорда футбол томоша қилиб ётгани. Алихон бир неча марта қўнғирок қилди. Унга жавоб бермади. Соат бирларда акаси эшикни очини талаб қилди. «Ташқарига чик...» дея сўқинди. Валихон деразадан қараса, унинг ёнида Шеркул билан Шукур, ўзи маст, важҳати ёмон. Шеркулга қўнғирок қилди, «Акамни олиб кетинглар, чикмайман» деди. Шукурнинг телефонига «Чикмайман, олиб кетинглар» дея хабар ташлади. Бирок Алихон икковининг гапига қулқол солмади. Бақир-чақир қилиб қўшнани хонадонларнинг ҳам тинчинини бузаверди. Онасининг дераздан туриб, «Мастсан, уйингга бор, эртага гаплашамиз» деган сўзлари ҳам қор қилмади. Валихон қўшнилardan номус қилиб ташқарига чикди, акаси билан юзма-юз бўлди. Алихон бирданига пичок билан ташланди. Валихон чап бериб, ёзги ошхонадаги қозон қопқоғини, қўлига қирган нарсаларини унга қарата отди. Акаси чап бериб келди-ю, қўлидаги пичокни сонига санчди. Валихон ошхонага кирди. Пичоклаб қўйди дея икки қўлига пичоқ олиб ташқарига чикди. Акасининг машинаси ёнига бориб, «Қансан, чик бўёққа» дея сўқинди. Шамшод дарахтининг буталари орасидан чикиб ташланган акасига чап бериб, пичокни бир марта унинг елкаси остига санчиб олди. Алихон гўлдираб беш-олти қадам юриб йиқилди. Тепасида қўшниллар тўпланди. Валихон хушини йиғиб ёрдам сўради. Қўшниллар машинага ортгани қарашиб юборишди. Алихонни «Жентра» машинасида шифохонага олиб борди. Бироздан кейин шифокорлардан бири акаси хушига келмай ўлганини маълум қилди.

Пул мижораси тўфайли акасининг умрига зомин бўлган В.Қориевнинг айби иқролригидан ташқари гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан тасдиқланди. Суд қотияга саккиз йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шерзод ХАЙДАРОВ,
Фаргона вилояти прокуратураси катта терговчиси



СОТИБ ЎГИРЛАШ «САНЪАТИ»

Сирож етти-саккиз йил илгари ҳам ўғирлик қилиб жавобгарликка тортилган. Лекин бу сафарги «катта иши» қизиқарли воқеаларга бойлиги билан эсдан чиқмайдиган бўлди.

Сирож кўй олди-сотдиси билан шуғулланади. Нуробода кўй кўп. Кўшни туманларнинг мол бозорлари, буёғи Қашқадарё, буёғи Бухоро вилояти бозорларига боради. Нарх-навои яхши билгач, қаерда арзон бўлса сотиб олади, қиммат бозорларга олиб бориб сотади. Шу тариха кўйчилар билан таниш бўлиб кетган. Топиши яхши эди, ҳалол топганига қаноат қилиб юриши керак эди.

Бир куни Бухоронинг Вобкент туманида яшовчи таниши кўнғирок қилди:

– Ака, яхши, соғлом кўйлар бўлса элликта олмақчиман. Сизда борми?

– Бор, сизга маъкул бўлади-ган кўйлар бор.

– Қачон борай?

– Келиб юрманг, бир-икки кунда ўзим олиб бораман. Нархини ўша ерда келишамиз. Сирожнинг ўзида кўй йўқ эди. Лекин суҳбат жараёнидаёқ хаёлан кўйни қаердан олишни мўлжаллади. Бир кишлоқдошининг олтмиш-етмишгача кўйни бор. Ўзиям яхши боқади, ем беради. Кўйлар ҳам шунга яраша дадил. Кўй савдосида юрaverиб кўзи пишиб кетган Сирож шу кўйларни хар кўрганда бир ҳаваси келарди.

Хозир шу ҳаёлига келди. Шарта ўғирлаб Бухорога сотиб келса ким билиб ўтирибди, бунинг устига мижоз нақд.

У Нуробод шахридаги бир хонадонни ижарага олиб яшарди. Ўзича режа тузди. «Газель» машинасида шахарлараро юк ташийдиган, кўпинча кўйларини ташиб берадиган танишига телефон қилиб, кўйларини Вобкентга олиб бориш кераклигини айтди. Шофёр келишилган вақтда унинг уйига келди. Бу орада Сирож амакисининг ўғлига кўнғирок қилиб, кишлоқда отасининг уйида турган «Ласетти» машинасини миниб келишини, йўл-йўлакай кишлоқдоши Зокирни ҳам олиб келишини айтди. Ука «Ласетти»ни миниб Зокир билан келди. Тўртловон ҳам бўлгач, ошхонада овқатланди. Сирож ярим шиша ароқ ичди. Кейин укасига:

– Сен шофёр билан уйга бориб дам олиб туринглар. Биз Зокир билан кўйга кетамиз. Кўй-

ларни ажратиб тайёрлаб бўлганимиздан кейин телефон қиламиз, борасизлар, – деди.

Ука ҳайдовчи билан акасининг уйига кетди. Сирож Зокир билан кишлоқга қайтиб келди. Кузда кунлар анча қисқарган, кечки тўққиз яримларда ҳамма уйига кириб кетган бўлади. Сирож кишлоққа кирмай, машинани адир томон ҳайдади. Хилватроқ жойга қўйди. Шунда Зокир ўғирликка келишганини сезди.

– Мен ўғирликка кирмайман, – деди бирдан.

– Сиз кирмайсиз, бир четда қоровуллик қилиб турсангиз бўлди. Ўзим кириб олиб чикаман, кейин кўйларни ҳайдашасиз.

Зокир индамади, у рози бўлганди. Иккови қоронгида кишлоққа кириб келишди. Дашт кишлоқларида уйлар бир-биридан анча узоқда жойлашган бўлади. Чунки ер кўп, барибир экин экилмайди, оғилхона, қўрлар бўлади. Шунинг учун хар бир оила катта-катта майдонларни эгаллаб олади.

Сирож кўрага яқинлашди. Эшикни очди-да, ҳамма кўйни ҳайдаб Зокирнинг олдига борди. Буёғи Зокир ҳам ёрдамлашиб кишлоқдан беш-олти километр жойга, машина томон ҳайдаб кетди. Йўл-йўлакай укасига телефон қилиб, манзилни тушунтирди. Бу жойларни яхши биладиган ука «Газель» билан келди. Кўйларнинг 46 тасини юклашганда машина тўлиб қолди.

– Бўпти, сизлар бораверинглар, биз ортган кўйларни жойлаштириб етиб борамиз, – деди Сирож.

Улар кетишди.

Сирож учта кўйни «Ласетти»нинг юкхонасига орди. Қолган кўйларни ҳайдаб юборишди. Ишни пишириб, хотиржам Нуробод шахри томон кетишди. Лекин йўлда ишқал бўлди. ЙПХ ходимлари тўхтатишди. Сирожнинг ароқ ичгани сезилиб қолди. Уни Самарқанд вилояти наркология диспансерига олиб кетишди. Ҳамма иш тўхтади. Машинани жарима майдонига қўймоқчи бўлишди. Юкхонада эса учта кўй бор. Сирож шу яқин атрофда яшарди. Чақириб, машина юкхонасидаги кўйларни олиб беришди. «Газель»даги

кўйлар ҳам димикиб қоилмаслиги учун уларни ҳам қайнотасининг кўрасига тушириб қўйишди.

Ярим кечаси диспансерда текширувдан ўтказиб, ҳужжатлар расмийлаштирилгач, ЙПХ ходимлари Сирожни кўйиб юборишди. Сирож бир таксига минди-да, йўл-йўлакай «Газель» шофёрига кўнғирок қилиб, Самарқанд – Каттақўрғон йўлига чиқиб келаверини тайинлади.

Келишилган жойда учрашди. Сирож юкхонани очиб кўйларни текширди. Биттаси ўлиб қолган экан, тушириб ташлашди ва Бухоро томон йўлга чиқишди.

Вобкентга тушга яқин етиб боришди. Кўйлар харидорга маъкул бўлди. Сирож 40 миллион сўмдан ортиқ пулга эга бўлди.

Кўй эгалари зир югуриб излашди. Бир чўпон йигирмата кўй топиб олиб, ҳайдаб келди. Чўпон айтган манзилга борганлар у ерда автомашинани изларини кўришди. ИИБга ариза беришди.

ИИБ ходимлари гумондорлар қатори Сирожни ҳам чақирди. У ҳеч нарсани тан олманган бўлса-да, барибир юрагига гўлгула тушди. Ўйлаб-ўйлаб яна Бухорога йўл олди. Кўйларни қайтариб олиб келиб, кишлоқ яқинига қўйиб юбораман деб ўйлади.

Кўй олган харидорнинг уйда ҳеч ким йўқ экан. Томорқасида бўлса керак деб излаб кетди. Томорқаси уч-тўрт километр нарида, катта йўлнинг ёқасида эди. У ерда ҳам ҳеч ким йўқ қўйлар кўрада турган экан. Кечгача кутди, ҳеч ким келмади. Шарта бир юк машинасини тўхтагиб нархини келишди-да, кўйларни ортиб кетди. Ўзи ўғирлаб сотган кўйларни яна ўзи ўғирлади. Юк машинаси билан кишлоқ яқинидаги адирга келди-да, кўйларни тушириб ҳайдаб юборди. Ўзи эса Ташкент шахрига кетди.

Бирок эртасига хотини кўнғирок қилиб, ИИБ ходимлари каттиқ излаётганини айтди. Сирож тақдирга тан бериб Нурободага қайтди. ИИБга бориб қилмишларини тан олди.

Бу ўғирлик ҳақида фақат Зокир биларди, қолганлар бежабар эди. Сирож билан Зокир иккаласи жиноий жавобгарликка тортилиб, суд орқали жазосини олди. Пул ва кўйлар эгаларига қайтарилди.

Раҳим ҲАКИМОВ,
Нуробод тумани прокурори

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Юртимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси ходими Карим Усмонов 60 ёшни қарши олди.



У департамент органларида меҳнат фаолияти давомида Бухоро вилояти бошқармаси ва туман бўлимида турли лавазимларда самарали меҳнат қилиб, қонун устуворлиги таъминлаш, иқтисодий жиноятларни олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Иш жараёнида намунали фаолият кўрсатиб, изланувчанлиги ва адолатпарварлиги тўғрисида ҳамкасбларининг ҳурмат эътиборига, ишончига сазовор бўлди.

Талабчанлик, меҳнатсеварлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозинди.

Соҳага кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни тажри-

бали мураббий сифатида юксак баҳолайди.

Карим Усмонов узоқ йиллик меҳнат фаолияти департамент раҳбарияти томонидан бир неча мартаба раҳбатлантирилди.

Ҳурматли Карим Усмонов таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга файзу барака тилайми!

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси жамоаси

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

REKLAMA

ГУГУРТ ҚУТИСИДАГИ АЖАЛ

Тасаввур қилинг. Ёнингиздаги столда гугурт ётибди. Шу кичкина қутичада қанча кўп синаот яширин. Уни аланга олдириб, шам ёқиб, атрофни ёритиш мумкин. Гулхан ёқиб, исиниш, ширин таом пишириш мумкин... Яна... Шу гугуртнинг бир донаси бутун бир шаҳарни ёки минглаб гектар ўрмонларни кул қилишга қодир. Не-не инсонларнинг умрига зомин бўлиши мумкин шу қутичадаги биргина чўп...

Одатда бу қутичада яна бир нарсани сақлашади. Адашмадингиз. Наркотик моддалар олди-сотдиси билан шуғулланганлар оғуни шу қутичага қадоклашга одатланишган.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида Бобир Умиров ва Фазлиддин Полвоновнинг жиноят иши кўрилди.

Кайд этилишича, Бобир Умиров 1978 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз. Оилали, уч фарзанди бор. Илгари суд ҳукми билан унга 2 йилга барча турдаги транспортларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Амнистия шарофати билан жазодан озод этилган. Судланганлик ҳолати тугалланган.

Фазлиддин Полвонов 1984 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, новвой бўлиб ишлаган. Оилали, икки фарзанди бор. Мукаддам бир неча марта судланиб, озодликдан маҳрум этилган. Судланганлик ҳолатлари тугалланган.

Бобир 2019 йил 20 декабрь куни туш пайти шериги Фазлиддинга кўнғироқ қилиб, «савдо» ҳақида гурунлашди. Орадан икки соатга яқин вақт ўтиб, Қаршидаги «Санам» тивувчилик корхонаси яқинида Фазлиддиндан 6 та гугурт қутисига қадокланган 10,9 грамм нашани олди. Фазлиддин билан дорини Сайфулло Турдиевга сотишга келишди.

Шу кунгидея Бобир Ф.Полвоновнинг «GAZ 31029» русумли автомашинасида Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳкўчасидаги «Бахт уйи» биноси ёнида С.Турдиев билан учрашди.

– 10,9 грамм бор, уч миллион сўм берадиз, – деди Сайфуллога.

Мижоз чайналиб ўтирмасдан рози бўлди. Бобир Шодлик маҳалласи худудида С.Турдиевдан 3 млн. сўм пулни Ф.Полвонов билан бирга санаб олди.

– Мол тайёр бўлганидан кейин Фаз-

лиддинга телефон қиламан, – деди харидорга.

Бир неча соатдан сўнг Бобир 6 та гугурт қутисини Фазлиддинга берди. Фазлиддин эса Қарши тумани Таллиқўрган қишлоғидаги футбол майдони яқинида Сайфуллога молни тутказди.

Сайфулло ўз вақтида ички ишлар бўлимига оғурушларнинг кирдиқорлари ҳақида хабар бериб улгурган эди. Тезда икки шерик кўлга олинди.

Ички ишлар ходимлари Б.Умировнинг уйини холислар иштирокида кўздан кечирганида меҳмонхонадаги стулга илинган спорт кийимининг чўнтагида қоғозга ўралган 4,2 грамм наша топилди. Маълум бўлишича, бу унинг Фазлиддиндан олган «хизмат ҳақи» экан...



Суд мажлисида Бобир айбига иқдор бўлмасдан турли уйдирмаларни баён қилди. Шериги Фазлиддин эса қисман иқдор бўлиб, гапни олиб қоча бошлади. Энг қизиги, қилғиликни қилиб қўйиб, суддан қонуний енгиллик ҳам сўрашди. Аммо тадбирга харидор сифатида жалб этилган С.Турдиев ва бошқа гувоҳларнинг кўрсатувлари ва тўшланган далиллар олдида икки шерик ожиз қолишди.

Суд ҳукм қилди. Бобир Умировга тайинланган жазоларни қисман қўшиб йўли билан 6 йилу 2 ой, Фазлиддин Полвоновга эса 6 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Камолитдин ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

«Samarqand mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси Реабилитация марказининг 28.05.2019 йил 28 майдаги 25/136-сонли буюртнома-сига асосан, Самарқанд шаҳри, Ўрмон хўжалиги 59-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) А/м «Дамас». 2005 й. и/ч, д/б 30 832 VSF, т/н. Б.б. – 9 109 000 сўм. 2) А/м «GAZ-33081 40». 2006 й. и/ч, д/б 30 359 VSF, т/н. Б.б. – 11 024 000 сўм. 3) А/м «Дамас». 2007 й. и/ч, д/б 30 852 VSF, т/н. Б.б. – 10 150 000 сўм. 4) А/м «GAZ-52». 1986 й. и/ч, д/б 30 580 VSF, т/н. Б.б. – 5 081 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 5 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 5 октябрь куни соғилмаган тақдирда, такрорий савдолар 12 ва 19 октябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо қолибга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТИБ «Ипотека банк» Кўксарой филиалидаги 20208000804942465001 (МФО:00262. ИНН:302129857) х/р.га тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, М.Конгарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел: (66) 233-80-13.

Гувоҳнома №05496

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари ҳамда Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази прокуратура фахрийси

Дуйсенбай ШАМШЕТОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Сирдарё вилояти прокуратураси жамоаси Гулистон шаҳар прокурори Баходир Умаровга падари бузруквори

Абдумит УМАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таязия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Андижон вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази прокуратура фахрийси

Муҳаммад АШУРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Самарқанд вилояти прокуратураси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси жамоалари Каттақўрғон тумани прокурори

Ойбек ХОЖАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

☒ – tijorat materiallari.

Buyurima v.4302.
15 548 nusxada bosildi.
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teritva va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: U.DEXKANOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004


Tesla kompaniyasi raҳbariyati 5 mlrd. dollarlik akцияlarini sotishini rejalashtirmoқda. Bu haқda Bloomberg agentligi xabar berdi.

3-SENTABR 2020-Y.

HUQUQ № 35

(1232)

11



МЕССИ «БАРСЕЛОНА» ДАН КЕТИШ САБАБИНИ АЙТДИ

Охири пайтларда футбол оламининг бош мавзуси Месси «Барселона»дан кетадими, қоладими қабалидаги гап-сўзлар бўлиб қолди.

Лионел Месси «Барселона» клубида бирга ўйнаган собиқ жамоадoshiга нега клубдан кетаётганини айтган. Маълум бўлишича, Мессининг клублар миқёсидаги асосий мақсади кўпроқ Чемпионлар лигасида галаба қозониш. Лекин аргентиналик футболчи каталонияликларнинг ҳозирги раҳбарияти юритаётган сиёсат яқин келажакда унга бу мақсадга эришиш имконини бермаслигига ишонади. Шунинг учун Месси ўз олдига Чемпионлар лигасида голиб чиқиш вазифасини қўйган кудратли клубга ўтиш учун «Барселона»ни тарк этишга қарор қилган.

Ҳозирги пайтда «Манчестер Сити» Гвардиола бошчилигида айнан Чемпионлар лигасида зафар кучиш учун ишламоқда. Бироқ испаниялик мураббийга бу хозирча насиб этгани йўқ.

Маълумотларга қараганда, «Барселона» раҳбарияти Лионел Мессининг клубга қарши бош кўтарганига қарамай, у билан шартномани 2023 йилнинг ёзига узайтирмоқчи.

Каталония клуби президенти Жозеп Бартомеу Мессининг отаси Хорхе билан бўладиган учрашув чоғида ундан Лионелни шартномани узайтиришга кўндирганини сўрайди.

Икки йилга тузиладиган янги шартнома бўйича Мессининг йиллик маоши ўзгарисиз қолади ва у солиқларни қўшиб ҳисоблаганда ҳар бир йил учун 100 миллион евродан олади.

Бироқ Месси бу таклифни қабул қилмаслиги тайин. Чунки у клубдан кетиш қарориди қатъий турибди.

Бошқа бир маълумотга қараганда, клуб Мессига шарт қўйган. Жозеп Бартомеунинг талаби бўйича Месси бир йиллик маошидан воз кечиши ва янги мавсумда бирорта жамоа билан шартнома имзоламаслиги, келаси йил ёзигача футбол ўйнамаслиги лозим экан.

Мессининг манфаатини ҳимоя қилаётган юристлар футболчи шартномадаги ҳар мавсум сўнггида жамоадан кетиши мумкинлиги ҳақидаги банддан фойдаланиб, биографак орқали хабар берганининг ўзида шартнома бир томонлама бекор бўлганини, ҳозир Лионел жамоасиз эканини таъкидламоқда.

Сўнгги маълумотларда Месси «Манчестер Сити» клуби хўжайинлари билан 700 млн. евролик 5 йиллик шартнома бўйича келишувга эришгани айтилмоқда.

Клубга эгалик қиладиган «City Football Group» холдингининг шартига кўра 33 ёшли футболчи уч йил «Манчестер Сити»да, шундан сўнг икки йил холдингининг бошқа бир клуби – «Нью-Йорк Сити»да тўп тепади.

Мессига тўловнинг бир қисми сифатида «City Football Group»нинг улушини таклиф этишди, аммо футболчи холдинг акцияларини баҳолаш билан боғлиқ кийинчиликлар сабаб нақд пулни афзал кўриши мумкин.

Қисқаси, бу можаро хали-бери ҳал бўладиганга ўхшамайди. Агар шу ҳафта бўладиган учрашувда Лионелнинг отаси ва агенти Хорхе Месси клуб президенти Жозеп Бартомеу билан келишувга эриша олмаса, бу иш суд орқали ҳал қилинади.

ЎЗИЛГА САУДИЯ АРАБИСТОНИДАН ЧОРЛОВ

«Арсенал» клуби яримҳимоячиси Месут Ўзил фаолиятини Саудия Арабистонида давом эттириши мумкин.



гапирганди.

Эслатиб ўтамиз, 2019/2020-йилги мавсумда Ўзил «Арсенал» сафида 23 та ўйинда майдонга тушиб, битта гол урди ва учта голга узатма берди.

«Fanatik» тарқатган хабарга кўра, «Наср» клуби 31 ёшли футболчига йиллик маоши 20 миллион долларга тенг шартнома таклиф этмоқда. Риёдликлар мазкур трансфер ойнаси пайтида Месутни сотиб олишга ҳаракат қилишади. Агар жамоа «Арсенал» клуби билан келиша олмаса, «Наср» жамоаси келгуси йилнинг ёзида Ўзини бепул қўлга киритиш борасида футболчи билан келишувга эришмоқчи.

Ўзининг ўзи эса август ойида «Арсенал» клубида қолимоқчи экани ҳақида

ОНЛАЙН БАҲС

Ўзбекистон дзюдо федерацияси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган онлайн мусобақа ўтказилди.

Катталар ўртасида ўтган мусобақада полвонлар махсус машқлар тўпламини бажариш бўйича куч синашди.

Мусобаканинг тантанали очилиш маросимида Миллий олимпия қўмитаси раиси Рустам Шоабдурахмонов сўзга чиқиб, бу каби мусобақалар жуда ҳам муҳимлиги, ҳозир бутун дунёда пандемия ҳукм сураётгани, спортчилар бир хил шароитда машғул ўтказишга мажбур бўлаётганини таъкидлади.

Ўтган баҳсларда Шаҳрам Аҳадов, Сита Қадамбоева, Муҳриддин Тилолов ва Диёра Келдиёровага тенг келадигани топилмади.

ХАМЕС «ЭВЕРТОН»ГА ЎТМОҚДА

«Реал» клуби яримҳимоячиси Хамес Родригес фаолиятини Англия премьер-лигасида давом эттиришга яқин турибди.



«The Telegraph» тарқатган хабарга кўра, колумбиялик футболчи «Эвертон» билан 3 йиллик шартнома борасида келишувга эришди. Хамес ҳали Англияга келмади, аммо у мерсайдликлар сафига ўтишга рози бўлди.

Ушбу трансферни амалга оширишда асосий ролни Карло Анчелотти бажармоқда. Италиялик мухтаassis «Реал» ва «Бавария»да Родригес билан бирга ишлаган.

Шунингдек, «Эвертон» трансфер борасида «Реал» билан ҳам келишувга эришди. Мадридликлар 29 ёшли футболчи учун 25 миллион евро сўраган эди. Яқунда улар қандай суммага рози бўлгани аниқ эмас.

Яқин кунларда трансфер расмийлаштирилиши кутилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!! Диққат, танлов!!!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда «ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ» шiori остида Республика танловини эълон қилади.

Танловнинг асосий мақсади ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий гуруҳ ҳиссини тарбиялаш, тилмининг халқро мавқеини мустаҳкамлаш, яна муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашувни ривожлантиришдан иборат.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар аҳоли ҳамда ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижтимоий фаоллиги ва миллат тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш, китобхонлик маданияти, езма ва оғзаки саводхонлигини ошириш, ёш авлодда ўзбек тилига нисбатан миллий гуруҳ ҳиссини шакллантириш, улар қалбиде умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиромни тарбиялашга, Шунингдек, ижодий ишларда чет эллардаги ватандошларимиз ва ўзбек тилини сеувчи хорижликларнинг ўзбек тилига муҳаббати ва эътиборини намойиш этиш, ўзбек тилининг амалдаги халқро мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Ўзбек тилининг амалдаги мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишга кенг жамоатчиликнинг ижодий ёндашувини ривожлантириш; таълим муассасалари, давлат идоралари, меҳнат жамовларида намойиш этиш ҳамда халқ орасида кенг оммалаштириш учун ўзбек тили ва адабиётига доир ижодий ишлар жамланмасини яратиш; иқтидорли ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзга чиқариш ва ривожлантириш, уларнинг давлат тилини тарғиб қилувчи ижод намуналарини рағбатлантириш ва оммалаштириш танловнинг асосий мақсадларидир.

ТАНЛОВ қуйидаги номинацияларда ўтказилади:

1. Энг яхши бадий асар (шеърый асар – 30 мисрагача; насрий ҳикоя – ҳажми 3600 босма белгигача).

2. Энг яхши публицистик мақола (очерк, лавҳа – ҳажми 5400 босма белгигача).

3. Ўзбек тилининг хориждаги энг яхши тарғиботи (ўзбек миллиятига мансуб ёки чет эл фуқаролари томонидан яратилган хорижда ўзбек тилини тарғиб қилишга қаратилган илмий, бадий, мусиқий асарлар ҳамда аудио, видео маҳсулотлар).

4. Энг яхши ижтимоий роликлар (аудио, видеороликнинг давомийлиги 3 дақиқагача).

Танлов голиблари пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Энг намунали, гоъий-бадий пишиқ ижодий ишлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилади.

Ижодий ишлар шу йилнинг 20 сентябрига қадар «Қадринг баланд бўлсин, она тилим» сарлавҳаси остида info@til.gov.uz электрон почтаси ёки @tiluz.Bot телеграм манзили орқали онлайн қабул қилинади.

Танлов юзасидан қўшимча маълумотларни www.til.gov.uz, www.manaviyat.uz сайтлари ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказининг танлов бўйича масъул ходимлари Мухтарам Улугова (99 847-69-41), Дилмурод Дўстбеков (97 752-33-99) билан телефон орқали боғланиб олишингиз мумкин.